

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

1999 йил
5
декабр

Олий Мажлис ва маҳаллий
Кенгашларга сайловлар куни



2000 йил
9
январ

Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови куни



ИНСОН ОРЗУ БИЛАН ЯШАЙДИ

Куни кеча Тошкент шаҳри, 10-Чуқурсой сайлов округидан мамлакатимиз Олий Мажлиси депутатлигига номзод Рустам ҚОСИМОВ муҳарририятимизда меҳмон бўлиб, сайловчилар билан ўтаётган учрашувлар ҳақида ўз таассуротларини сўзлаб берди.

— Шу кунларда Олий Мажлис депутатлигига номзодларнинг иши ҳам, юмуши ҳам, ташвиши ҳам ҳар қачонгидан тигиз. Сайловчилар овозини ўзларига жалб қилиш осон кечмапти. Лекин, нима бўлганда ҳам сайловчилар мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов айтганидек, “аввало, ўз хоҳиш-иродасига сўянчи, ўз иймонига сўянчи, мустақил ва онгли равишда” овоз беришларига аминман.

— Рустам ака, кечирасиз, таржимаи ҳолингиз ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз?

— 1951 йил Тошкент шаҳрининг Хастимом маҳалласида ишчи оиласида туғилганман. Маълумотим олий, ихтисослигим — иқтисодчи, миллатим — ўзбек, уч нафар фарзандим бор...

— Бўлдимми?.. “Қисқача” деганимизга ўта қисқа қилдингиз, қойил. Лекин, биз сизнинг республика “Матбуот тарқатувчи” акциядорлик компанияси ва Тошкент шаҳар “Матбуот тарқ-

атиш уюшмаси” акциядорлик жамияти бош директори эканлигингизу Ўзбекистон “Фидокорлар” Миллий демократик партияси Марказий кенгашининг аъзоси эканлигингизни ҳам биламиз...

Кулишдик. Сухбатимиз мавзую номзоднинг жамоатчилик ишларидаги фаолиятига кўчди.

Шу ўринда бизнинг изох: Рустам Қосимов меҳнат фаолиятини 1968 йилдан бошлади. 90-йилларга қадар Тошкент шаҳар “Матбуот тарқатиш уюшмаси” акциядорлик жамиятида: экспедитор, йўриқчи (инструктор), катта йўриқчи, бўлим бошлиғи лавозимларида ишлади. 1991 йилда жамият бош директориликка кўтарилди. 1995 йилда эса шу тармоқнинг Республика доирасидаги жамиятига ҳам раҳбарлик қила бошлади. У жамоат ишларида ҳам жон-дилидан қатнашди, элим деб, юртим деб яшашни ҳаёти мазмуни деб билади. У Республикада фаолият кўрсатаётган “Тошкент-Пресс” нодавлат ахборот агентлигининг кузатув кенгаши раиси, Алоқа банк кузатув кенгаши аъзоси.

Айтингчи, раҳбар сифатида ўзингиз бошқараётган тармоқда сўнгги йилларда қандай ишларга бош-қош бўлдингиз?

— Ҳаммасини айтсам, бироз мақтанчоқлик бўлар, лекин саволигизга баяндек қисқача жавоб қилишимга тўғри келади. Сўнгги йилларда тармоғимиз

бўйича 14 та шаҳар, вилоят ташкилотларини акциядорлик жамиятларига айлантирдик. Компаниямиз Республика-мизда нашр этилаётган ўнлаб газета ва журналларга муассислик ва ҳомийлик қилади. Ўзим ҳам ана шу оммавий-ахборот воситаларининг кўпчилигида таҳрир хайъати аъзосиман.

— Иқтисодий бўйича китоблар ҳам ёзгансиз... Мақолалар... Шарҳлар...
— Ҳа, энди, касбимиз иқтисодчи бўлгач, баҳоли-қудрат...

— Парламентга номзод бўлиш нияти сизда аввалдан бормиди ёки кутилмаганда номзод қилиб кўрсатилдингизми?

— Ҳаётда ҳеч нарса ўз-ўзидан содир бўлмайди. Инсон доим орзу-умидлар билан яшайди. Имониятларини чамалаб, ўз салоҳиятини “тарози”га солиб қуради-да, юксакликка интилаверади. Мен ҳам шундай қилдим. Қолаверса, ФМДП қурултойида партиядош маслақдошларим катта ишонч билдиришди.

— Наздимда сиз партиягизнинг сайловолди дастурини ўз фаолиятигизга асос қилиб олгансиз. Белгиланган режа ва тадбирларингиз?..

— Дастуриимнинг ўзаги — мамлакатимизнинг истикболи, халқимизнинг муштарак манфаатларидан иборат. Чунки, давлатимизда олиб борилаётган ислохотларни давом эттиришда кўмакдош бўлиш, ҳамюртларимизнинг фаровон турмушини таъминлаш, ёшлар бахтини ўйлаш, Ватанимиз тинчлигини сақлаш,

халқимизга хизмат қилишдек улуғвор ишларга ҳисса қўшиш — ҳар бир фуқаро қарори менинг ҳам муқаддас бурчимдир. Шунингдек, жамиятимизда қонун устиворлигини таъминлаш, эркин фикрловчи ёшларни маънавий бой қилиб ўстириш, адолатсизлик, уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик, порохўрликка қарши, кураш олиб боришни ҳам муқаддас бурчим деб биламан.

Аҳолининг кам таъминланган қатламни ижтимоий муҳофазалашни янада кучайтириш, хусусий мулкдорлар сафини кенгайтириш сингари долзарб масалалар ҳам сайловолди дастуридан кенг ўрин олган...

— Қийинчиликлардан кўркасизми?

— Йўқ!
— Инсонда қайси фазилатларни устун биласиз?

— Ҳалолликни, камтарликни ва савобли иш қила билишни...

— Нимани ёмон кўрасиз?

— Лаганбардорликни ва лоқайликни ёмон кўраман.

— Раҳмат. Ташрифингиз ва сухбатингиз учун ташаккур. Ишингизда омад ёр бўлсин!

Суратда лавҳамиз қаҳрамони
Рустам ҚОСИМОВ
оиласи билан.
М.МИРСОДИҚОВ
туширган сурат

ХАВФСИЗЛИККА ЗАМИН ВА КАФОЛАТ

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг шу йил 18-19 ноябр кунлари Туркиянинг Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ)нинг Саммит (учрашув)ида сўзлаган нутқини "ойнаи жаҳон"да тинглаб ўтириб, кўнглимдан кечган ўйлар қўлимга қалам тутди.

Этибор беринг ва тан олинг: Саммитнинг кун тартибиди асосий ўрин тутган Европа хавфсизлик Хартияси (давлатларнинг олий даражадаги раҳбарлари имзолаган муҳим ижтимоий-сиёсий ҳужжат) чиндан ҳам нафақат унга аъзо бўлган 54 мамлакатнинг, балки бутун дунёнинг XXI асрдаги хавфсизлигини таъминлашда янги қадам бўлди. Зеро, Хартия нафақат давлатлар ўртасида ҳамкорлик ва интеграция жараёнларини ривожлантиради, балки халқаро хавфсизлик ва барқарорликка қарши таҳдидларнинг ҳам олдини олади. Бу эса, айниқса, ҳозирги даврда миллатчилик, сепаратизм, экстремизм ва террорчилик каби жаҳон миқёсида кенг ёйилаётган янги таҳдидлар йўлига ғов ташлаши муқаррар. Жум-

ладан, Марказий Осиёда ҳам содир бўлаётган (Тожикистон ва Қирғизистондаги хунрезликлар, 16-феврал воқеалари, яқиндагина Ангрен атрофидаги Янгиободда рўй берган фожеа каби) турли хил кўринишдаги таҳдидларни ҳам жиловлашда муҳим ўрин тутти турган гап. Шу боиски, Президентимизнинг терроризмга қарши кураш Халқаро Маркази ташкил этиш борасидаги таклифи аини муддао бўлди.

Чунки, ЕХХТ номининг ўзиёқ хавфсизлик масалаларига бугунги кунда бирламчи этибор берилиши зарурлигини айтиб турган бўлса-да, баъзилар бу масалаларга ҳамон турлича қарашлар билан ёндашмоқдалар. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари Тинчлик ва Барқарорлик бўлмаган жойда инсон ҳуқуқлари ва демократияни қандай қилиб таъминлаш ёки иқтисодий юксалишни, ҳамкорликни, атроф-муҳитни қандай қилиб муҳофазалаш мумкин, деган муаммони кўтарди. Аини пайтда Юртбошимиз ЕХХТнинг яна бир тамойили-иқтисодий хавфсизлик йўлидаги ҳамкорликни реал-

лаштириш ҳақида ҳам гапириб, ЕХХТ шафъелигида минтакамизнинг бой табиий заҳираларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, энергетика, транспорт соҳаларини ривожлантириш, экология муаммоларини ҳал этиш борасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурлиги тўғрисида ҳам муфассал тўхталиб ўтди.

Дарвоқе, шундагина, Ўзбекистон ўз келажагини демократик давлатлар ҳамжамиятида кўра олади, шундагина, жамиятимиз демократлашиб, хавфсизлигимиз кафолатланади. Шунинг учун ҳам Президентимизнинг учрашувда баён этган фикрлари, мулоҳаза ва мушоҳадалари, билдирган таклиф ва иштаклари Саммит иштирокчилари томонидан яқдил қўллаб-қувватланди.

Қолаверса, Ўзбекистон ЕХХТга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирган 1992 йилдан буён ташкилотнинг барча тамойиллари асосида муайян мақсадларни амалга оширишда собитлик билан иш юритаётганига эндиликда бутун башар, бутун инсоният гувоҳ, Истанбул Саммити бунга яна бир да-

лил. Бу-ЕХХТга дахлдор қатор қарор ва ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ҳамда амалий тадбирлар белгилашда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида раванк топаётган мамлакатимизнинг халқаро миқёсидаги обрў-эътибори, нуфузи, салоҳияти, қадри, мавқеи тобора юксалиб бораётганидан дарак.

Сўзимни мухтасар қилиб айтсам, ЕХХТнинг (у аслида 1975 йилда 33 давлат томонидан Хельсинкида имзоланган яқиний акт билан ташкил толган) 1990 йилги Париж, 1992 йилги Хельсинки, 1994 йилги Будапешт, 1996 йилги Лиссабон учрашувлари сингари XXI аср бўсағасида-1999 йилги Истанбул Саммити ҳам Фарб ва Шарқнинг каттагина қисмини камраб олувчи ҳудудда тинчлик ва барқарорликни, ҳарбий, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий хавфсизликни таъминлашга оид қатор муҳим ҳужжатларни имзоладики, шубҳасиз, улар ЕХХТнинг бош тамойили- хавфсизлик йўлидаги ҳамкорликка самарали хизмат қилгусидир.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

БУГУННИНГ ГАПИ

БМТ: БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯСИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА



БАХТЛИ БОЛАЛИК ТАНТАНАСИ

Пойтахтимизда Бола ҳуқуқлари тўғрисида Халқаро Конвенция қабул қилинганлигининг 10 йиллигига бағишланган бола-лар байрами бўлиб ўтди. - Республика Болалар жамғармаси ташаббуси билан уюштирилган бу тадбирга бола-чакаларимиз билан ташриф буюрдик, - деб ҳикоя қилди ҳамкасбимиз. - Болаларимизнинг қувончини кўрсангиз эди... Тенгдошлари ижросида намойиш этилган куй, кўшиқ, ракс ва ялларол нафақат уларда - биз катталарда ҳам ажиб бир завқ уйғотди. Кўнглимизда: "Мана, болалар билан ҳам шундай тантана ўтказса бўларкан-ку" - деган қониқшиш пайдо бўлди. Байрам тадбирида сўзга чиққан нотикларнинг расмий маърузалари ва қалб сўзларини тинглаб, БМТнинг Бош Ассамблеяси қабул қилган Бола ҳуқуқлари Конвенцияси (1989 йил, 20 ноябр) меҳр-мурувват ва

саховатга тўла умуминсоний ғоялар ила сугорилганлиги гувоҳи бўлдик. - Конвенциянинг ибратомуз фаолияти, - деди ўз сўзида Республика Болалар жамғармаси раиси Инқилоб Юсупова, - жаҳоннинг 2 миллиард нафардан зиёд болалари ҳаётида янги босқич, янги давр бошланганидан дарак беради. Зеро, дунё болаларининг сихат-саломатлиги, баркамол бўлиб етишуви - Ер қуррагининг эртанги тинчлиги, осудалигидир. Тинчлик ва осудалик барқарор бўлса башар халқлари ўртасида ҳам дўстлик, ҳамкорлик қарор топиб бораверади. Шундан сўнг нотик республикамизда болалар келажаги йўлида амалга оширилаётган қатор хайрли ишлар ва мухтарам Президентимиз раҳнамолигида ҳукуматимиз кўраётган кенг режали тадбирлар ҳақида гапириб, сўнги йилларда юртбошимиз

ташаббуси билан эълон қилинган Инсон манфаатлари йили, Оила йили, Аёллар йили ҳам мантиқан ёш авлод тарбияси ва камоли йўлидаги ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир, - деди. Нотик Ватанимиз болаларининг бош ҳомийси ҳам шахсан Президенти

дентимизнинг ўзлари бўладилар, деб алоҳида таъкидлаб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Бош Вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитасининг раиси Д. Фуломова, ЮНИСЕФ (БМТ Болалар жамғармаси)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи Руди Родригес ва Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар ва сўзга чикдилар. * * * Ўтган шанба кuni соат 15⁰⁰ да Республика Болалар уйида бошланган байрам тантаналари то кеч соат 18⁰⁰ га қадар катта шодийнага айланиб кетди. Байрам тантаналари мамлакатимизнинг Мустақиллик йилларида ўсиб камол топаётган жажжи дилбандлари қалбида ғоят ажиб, ғоят завқли таассуротлар қолдирди. **Ўз мухбиримиздан**

АЁЛ - ОНА СОҒЛОМ БЎЛСИН

Аёллар - оналар соғлигига йилдан-йилга эътибор ошмоқда. Ҳозирги кунда ҳар бир қишлоқ врачлик пунктларида аёлларимизни соғломлаштириш учун тез-тез табиий кўриқдан ўтказилиб турибди. Куни-кеча Академик В.В. Вохилов номидаги хирургия институтида Аёллар йили муносабати билан Ўзбекистон акушер-гинекологларининг 5-съезди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғломлаштириши янада яхшилаш режасини тузишдир. Съездда республика миқёсида шифокорлари билан бир қаторда Япония, Германия, Озарбойжон, Қозоғистон, Москвадан ташриф буюрган табиётчилар ҳам иштирок этишди. Ушбу анжуманда Procter & Gamble компанияси ҳомийлик қилди. **Хонбиби ҲИММАТ қизи**

рузалари тингланди. - Асосий мақсадимиз, - дейди Акушерлик ва гинекология институти директори ўринбосари Саидносир Султонов, - табиёт соҳасида эришган ютуқларимизни муҳокама қилиш, чет эллик ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашишдан иборат. Энг муҳими, келажақда она-болани соғломлаштириши янада яхшилаш режасини тузишдир. Съездда республика миқёсида шифокорлари билан бир қаторда Япония, Германия, Озарбойжон, Қозоғистон, Москвадан ташриф буюрган табиётчилар ҳам иштирок этишди. Ушбу анжуманда Procter & Gamble компанияси ҳомийлик қилди. **Хонбиби ҲИММАТ қизи**

ЎЗБЕКИСТОН:



● Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида оммавий ахборот воситаларида сайловолди жараёнларини ёритишга бағишланган семинар-кеңаш бўлди. Унда Буюк Британия, Япония, Германия элчихоналари ходимлари қатнашиб, бу борада ўз мамлакатларидаги тахрибатлар хусусида сўзлаб бердилар. ● Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида "Конституция ва қонунларнинг устунлиги" - Ўзбекистон тараққиётининг кафолати" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлди. ● Ўзбекистон Макроиктисодиёт ва статистика вазирлигида Россия Федерацияси ҳукумати раиси ўринбосари В.Щербак бошчилигидаги делегация аъзолари иштирокида икки давлат ўртасидаги иқтисодий шартномани амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлиси бўлди. ● Республика Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни

қўллаб-қувватлаш кўмитасида Вазирлар Маҳкамасининг давлат таъсирларидан чиқариш ва хусусийлаштириш мажмуаси мажлиси бўлди. ● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шу йил 17 ноябрда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов имзои билан "Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасида қўшимча чоратадбирлар тўғрисида" қарор қабул қилди. ● Тошкент шаҳри Сирғали тумани хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан "Ватанларвар ёш авлоднинг тарбиялашда аёлнинг ўрни" мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Унда тумандаги 32 маҳаллаларнинг хотин-қизлар кўмиталари раисалари иштирок этдилар. ● БМТ 1999 йилнинг Халқаро Қариялар йили деб эълон қилганидан хабарингиз бор. Шу муносабат билан республикамиз матбуотида чоп этилган энг янги публицистик мақолаларнинг муаллифлари БМТ ваколатхонасининг фахрий дипломлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

ХУР ЎЗБЕКИСТОН УЧУН, КОМИЛ ИНСОН УЧУН ОВОЗ БЕРАМИЗ!



Ўзликни англашга интилиш, ҳаёт учун кураш деган иборанинг мазмун-моҳиятини педагогика фанлари доктори, профессор Ойниса Мусурмонова умр йўлини кузатганда ҳам тушуниш мумкин.

Профессор Ойниса Мусурмонова излана-излана, ўргана-ўргана ўз қалбига мудраб ётган оҳангларни топти. Бугунгача у 150 дан ортик илмий китобу рисолалар ва долзарб мақолалар чоп этди.

Оташнафас олима, маҳоратли муаллима, фидойи жамоатчи сифатида ҳам элга танилди. Халқ меҳрига сазовор бўлди. У бу даврларда Ўзбе-

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШГА ИНТИЛИШ

кистон телерадио компанияси билан ҳам изчил ҳамкорлик қилди. Докторантурада ўқиб, дарс ҳам бера бошлади. Докторлик унвонини олган "Одобнома", халқ таълимини бошқаришининг илмий асослари кафедрасига ва "Оила" илмий лабораториясига етакчилик қилди. Олиманинг энг катта янгилиги - фанга, педагогикага маънавий-миллий қадриятларни олиб кирди, уни болаларга сингдиришининг шакли ва усуллари яратди.

Долзарб мавзуда илмий ишлар ёзиш, телерадиода чиқишлар, жамоатчилик ишлари, изчил изланишлар, ижодкорлик ва талабалар олдидаги маърузалар ўз йўли, ўз қиёфасига эга бир олима майдонга келганини кўрсатди. Унинг фаолияти гўё баҳор чоғлари тоғлар орасидан сурон солиб келадиган тиниқ ва тошқин сойдек эди.

О. Мусурмонова 1995-98 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хотин-қизлар ишлари бўлими мудири, сўнгра "Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш" котибияти мудири лавозимида ишлади. Шу билан бирга педагогика институтини ўқитишлик асосида ёшларга дарс бериб, профес-

сор унвонига сазовор бўлди.

Олима республикадаги қатор газета ва журналлар таҳририяти аъзоси. Олима мутахассис сифатида муаммоларни мақолаларни ўқийди ва уларга ўз фикрларини айтишга вақт топади. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг яратилиши жараёнида комиссия аъзоси сифатида иштирок этганман. Фаолиятини кузатганман. Унинг ҳар бир бўлимию, бандини диққат билан ўқиди, ўрганди ва унга ўз фикр-мулоҳазасини билдирди, қўшимчалар қўшди. У Олий Мажлис сессиясида биринчи ўқилишидаёқ қабул қилинди.

О. Мусурмонова Олий Мажлис депутати, айни пайтда Республика "Оила" илмий-амалий маркази директори сифатидаги аъзолари Ватан манфаатларига, миллат раънақига хизмат қилади.

Ойниса сўзи иккита луғавий маънони билдиради. Ой - барчага тушунарли, туркий сўз. Нисо - арабчада аёл дегани! Демак, ой янглиг аёл тушунчаси мумкин! Ҳақиқатда олиманинг исми жисмига монанд! У эл ишига камарбаста бўлиш билан бирга уч фарзандни тарбиялаб улғайтирди. Болалари мактабни аъло баҳоларга

битказишиб, институтда таълим олмақдалар. Каттаси эл ишига яраб қолди. Эри Жуманазар Хусанов иқтидорли олим!

Дарвоқе, эри - Ж. Хусанов ўн фарзандли оиланинг бош ўғли, Ойниса саккиз фарзандли оиланинг қизи! Ана шу оиланинг ҳар бир ўғил-қизи Тошкентда олий маълумот олиб, юртлирига қайтдилар. Айни кунда, уларнинг ҳар бири элнинг қатордаги норлари! Улар ана шу укаю сингилларга кўприк бўлдилар.

Эру-хотин мана, 20 йил пойтахтда билса-да, бир дақиқа қишлоқдан узилишмади. Уларнинг пойтахтдаги уйлари Пастдарғомнинг бир парчаси деса, арзийди. Қариндош уруғлари, уни қора тортиб Тошкентга келган қишлоқдошларидан ҳамisha иссиқ ноию иссиқ сўзини аямайдилар.

Юртимизнинг келажакдаги ижтимоий-иқтисодий ривожига бундан кейин ҳам у ўзининг ақл заковати, билими ва тажрибасини ваги солишига, янги-янги илмий аъзолари билан ўз юртини янада теран овозда тараннум этишига ишончимиз комил.

Раъно ЗАРИПОВА

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

МАСЛАҚДОШЛАР ИШОНЧИ



Олий Мажлис депутатлигига номзодлар рўйхати матбуотда эълон қилиниши билан Муаттарнинг исми-шарифини унда кўрганлар: "Ие, бу телевизорда чикадиган сиёсий шарҳловчи-ку!" - дея ҳайратга тушдилар. Шундан буён Тошкент вилояти 161-Юқори Чирчиқ сайлов округидан номзод Муаттар Асқарова сайловчилари билан бир неча бор учрашувлар ўтказди. Яқинда биз унинг сайловда дастуридаги асосий йўналишлар билан танишдик: - Ўзбекистон "Миллий тикланиш" партияси аъзосиман. Ўз сафлари-

га 10 минг нафардан зиёд аъзоларни бирлаштирган партиямиз Курултойида маслақдошларим юксак ишонч билдиришди. Парламент депутатлигига номзодимни кўрсатишди. Шундай экан, партиямизнинг асосий мақсади - менинг ҳам асосий мақсадимдир. Яъни: Миллатнинг ўз-ўзини англаши, миллий-инсоний ҳамда Ватан манфаатини муқаддас деб билган Ўзбекистон фуқароларини бирлаштиришдир.

Бугунги депутатнинг Парламентда ўз овози, ўз ўрни ва обрў-эътибори бўлиши керак. У ҳамisha адолатни, ҳақиқатни ҳимоя қилмоғи даркор. Чунки, инсоният пайдо бўлибдики, у доим адолатга интилади, ҳақиқатни излайди.

Жамиятда қонун устиворлигини таъминлаш учун даставвал халқчил, мукамал қонунлар қабул қилиниши ва у албатта ижро этилиши керак. Ҳар бир инсоннинг маънавий ривожланиши учун таълим олиши, бадий ва техникавий ижодкорлик билан шуғулланишига ҳам дастурида алоҳида ўрин берганман.

Ҳар бир фуқаронинг тирикчилик ўтказиши учун маблағ ишлаб топишига имконият яратиш, ҳар қандай меҳнатни ўз эрки билан танлаб олиш, меҳнат қилишга ўз эрки билан рози-

лик билдириш каби ҳуқуқларни амалда қўллаш учун тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилиши керак. Бизнинг партиямиз ана шу ҳуқуқлар мамлакатимиз Парламенти ҳужжатларида акс эттирилиши учун курашади.

Партиямизнинг бош мақсадларидан бири - хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш, Ўзбекистонни иқтисоди ривожланган, халқи тўқ, фаровон яшайдиган мамлакатга айлантиришдир. Бу мақсад ҳам менинг дастурида ўз ифодасини тогган.

Соғлом, бақувват, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш - партиямизнинг, жумладан, менинг ҳам сайловда дастуридан муносиб жой олган. Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурнинг ҳаётга жорий этилиши учун барча имкониятларини ишга соламан. Нафақат шаҳарларда, балки узоқ қишлоқларда ҳам лицейлар, касб-ҳунар коллежлари курилиши ва ишга туширилишини назорат қилиш менинг депутатлик фаолиятимнинг йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Оқорида қайд қилиб ўтилган ана шу каби ва бошқа йўналишларнинг ҳаммасини амалга ошириш учун бор куч-қудратим, билимим, тажрибам ҳамда ақл-заковатимни сарфлайман.

Сухбатдош: Замон АЛИ

САЙЛОВЧИ САВОЛ БЕРДИ

ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДНИНГ ИШОНЧИ ВАКИЛИ БЎЛАДИМИ?

- 2000 йилнинг январида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўладиган сайловда Президентликка номзодларнинг ҳам ишончли вакиллари бўладими?

Нафиса САИДУЛОВА,
Тошкент Давлат Университети журналистика факультети талабаси

- Ҳа, бўлади. Мамлакат Президентлигига номзодларнинг (ҳар бирининг) 15 нафарга қадар ишончли вакиллари бўлиши мумкин. Улар номзодларга сайлов жараёнларининг ошқора, демократик тарзда ўтишида кўмаклашади, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боради. Давлат ва жамоат ташкилотлари, сайлов комиссиялари билан муносабатларда номзодлар манфаатини ҳимоя қиладилар. Ишончли вакиллари номзодлар тақдирномасига кўра Республика Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олади ва тегишли гувоҳномалар беради.

ЮРТИМИЗДА АЁЛЛАР ВА САЙЛОВЛАР ЙИЛИ

Келажаги буюк давлатимиз ва тинчликсевар халқимиз катта сиёсий воқеалар бўсағасида турибди. Бу галдаги сайловлар олдингиларидан тубдан фарқ қилади. Юртошимиз Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида қилган маърузаларида: "Бугун аёллар ва ёшларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини янада юксалтириш ўта муҳим масалалар", деган эдилар.

Шу нуқтаи-назардан қараганда эндиликда аёлларимизнинг жамиятда тутган ўрни катта аҳамиятга эга. Халқ депутатлари Чортоқ туман Кенгашига ўзини-ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар ҳамда сайловчилар гуруҳлари томонидан депутатликка номзодлар сони 80 нафарга яқин бўлса, шундан 13 нафар аёллардир. Бу умумий депутатликка номзодлар сонининг 16,05 фоизини ташкил этади, холос. Ҳолбуки, бу фоиз кўпроқ

ҳам бўлиши мумкин эди.

Ошқоралик ва адолат устивор бўлган жамиятимизда барчамиз сайловларда фаол иштирок этиб, муносиб номзодлар учун овоз бериш фуқаролик бурчимиз эканлиги билан фахрланамиз.

Махмуджон САЙРАМОВ,
Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи 53-Чортоқ округи сайлов комиссияси котиби

- Баъзан газеталарда (кўпинча чет элда!) "Сайлов ўтмади" деган жумлаларни ўқиб қоламиз... Бизда эса қонун бўйича қандай ҳолларда сайлов ўтмади, деб ҳисоблаш мумкин?

- Саволингизга жавобни сайловчилар тўғрисидаги қонундан излаймиз. Унинг 41-моддасида шундай жумлалар бор: "Башарти, сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг ярминдан камми сайловда иштирок этган бўлса - сайлов ўтмаган деб топилади?"

КУНЛАРИНИНГ БИРИДА...

олиб келдим. Барака топгур, тарбиячи-врач Тўтихон яхши аёл-да, бир кунга жавоб берди", - деди. Аямнинг юз-кўзларида қувонч балқиди, кўришмоқчи бўлди, кучи етмади чоғи тура олмади. Сингилларим аямнинг кучоғига отилишди. Аям сингилларимни ўзининг хаста қўллари билан сочларини, юз-кўзларини силаб-эркалаб, товушсиз йиғлар эди. Сингилларим ҳам жажжи қўлла-ри билан уларнинг юзларини силар, бағрига сингиб кетгудек ўтиришарди. Аямнинг юзига сал қон югургандек бўлди. Дадам эса ҳар замонда: "Қизларим, аяларингни чарчашиб қўйманлар, кўп ҳам бўйинига осилаверманлар, аяларинг чарчаб қолмасин", - дер эдилар. "Кўйинг, дадаси, дийдорларига тўйиб олай", - дер эди аям кўз ёш аралаш. Дадам оғир хўрсинди. Орага қалбни ўртовчи жимлик чўқди. Аям бедаво дардга чалинганини ўзи ҳам билар, ич-ичидан эзилар эди. Кечкурун аям ўз хонасида ҳамшира аёл билан, биз эса кўшни хонага кириб ётдик. Эрталаб нонушадан сўнг дадам сингилларимга: "Аяларинг билан хайрлашиб қолинлар", - деди. Сингилларим аям билан хайрлашди. Негадир кичкина синглим боғчага сира боргиси келмасдан, тинмай хархашларди. Ҳеч қайси бола онасидан узоқда бўлишни хоҳламайди. Сингилларим ўша куни аямни охириги марта кўришайётганини сезишди шекилли. Уларнинг шу дамдаги ҳолатини эсласан ҳали-ҳамон кўзларимда ёш қалқийди. Сингилларимни дадам боғчага олиб кетди, мен эса мактабга кетдим. Мактабдан қайтиб келсам, аямни дўхтир келиб касалхонага олиб кетибди. Касалхонада яна ҳам оғирлашиб қолган аямни яна кечкурун уйга олиб келишди. Кўзим кетибди чоғи аямни кўргани келган амманни чинқиригидан уйғониб кетдим... Аям раҳматли тонгда жон берибди. Биз болаларининг дийдорига тўйиб-тўймай кетган мушфиқ аямни бир умр эсдан чиқармаймиз. Ҳали-ҳануз болаликда муҳрлиб қолган онамизнинг меҳр тўла нигоҳлари ёдимизда. Биз ҳам улғайиб, оилали бўлдик. Катта синглим битта, кичиги эса учта фарзандли бўлиб, ҳахтли ҳаёт кечиршишмоқда. Аллоҳ ҳеч кимни яқинидан жудо қилмасин.

Анорбой ОДИЛОВ,
хайдовчи

Жиззах шаҳри

Ушанда мен 9 ёшда эдим. Онам хасталаниб юрар, кўшнарларнинг гапларига қараганда, рақ касалига чалинган экан. Кунларнинг бирида дадам: "Ўғлим, эртага барвақтроқ турамыз. Аянгни соғлиги яхши эмас, биласан. Кўп касалхонада ётди, жуда қийналиб кетди, сал осонроқ бўлиши учун сингилларингни санаторий-боғчага гаплашдим. Эрталаб мен билан қўйишиб келасан", - хўпми, ўғлим", - дедилар. "Хўп бўлади, дадажон", - дедим мен ва ухлагани кириб ётдим.

Эрталаб дадам азонда уйғотдилар, онам нариги хонада йўталиб ўтирарди. Мен туриб юз-кўлимни ювиб келдим, ҳаммамиз ўтириб бирга нонушта қилдик. Сингилларим Гулчехра ва Гулсоралар чўғурлашиб чой ичишарди. Ёш бўлсам-да, сингилларимсиз кун кечиршишимни тасаввур қилолмас эдим. Нонуштани қилиб бўлиб йўлга отландик.

Аям уларнинг пешонасидан, юз-кўзларидан ўйиб, йиғлаб хайрлашди. Ҳозир 31 йил аввалги ҳолатни эсласам, юрагим бир қалқиб тушади. Мен Гулчехра синглимни, (4 ёшда) дадам эса Гулсора синглимни кўтариб олдик. Боғча Жиззах шаҳрида, биз яшаётган жойдан 6 км. узоқда эди. 1968 йил июл эди. Кичик синглим тили чиқиб, бурро-бурро гапирадиган бўлиб қолган эди. Йўлда мени гапга солар, "ҳадеб қачелийда учамизми?" - деб сўрар эди. Мен эса "Сени албатта қачелийда учираман, шоколад ҳам олиб бераман, синглим", - деб уни дам кўтариб, дам етаклаб боғчага етиб келдик. Болалар бизни "янги қизлар келибди", деб ўраб олишди. Кейин билсам, уларнинг кўпчилигининг ота-онаси йўқ экан. Санаторий боғча врачлари шарт-шароитларни дадамга тушунтирди. "Қизларингизни ҳафтада бир кун уйингизга олиб кетиб, лекин душанба куни албатта, қайтариб олиб-келиб қўясиз", - деди. Дадам кўнгли бузилиб "розиман" дегандай бош иргиди. Ҳеч эсимдан чиқмайди, кичкина синглим чойнакнинг қопқоғини олиб улоқтириб юборди, шунда тарбиячилар: "Шўх қизча экан-ку", деб уни кўтариб олишди. Биз сингилларим билан хайрлашдик. Ўша пайтда дадамнинг кўнгли бузилиб кўзи намланди.

Уйга қайтиб келгач, онам рангсиз, тобора сўниб бораётган сўниқ кўзлари билан мени имлаб қақирдилар.

Мен бориб, олдиларига чўккаладим. Аям хаста овозда, умидвор нигоҳ билан: "Ўғлим, мактабдан қолма, яхши ўқи, дадангга қараш, сингилла-

рингни олдида даданг олиб бориб туради, болажоним...", - деди. Шу пайт ҳамшира аёл келиб аямга уқол қилишни бошлади. Кеч кирди. Дадам шов-

диларми, дада", деб сўраб қолди. Дадамнинг юзи бирдан ўзгарди. "Аянг келади, қизим, албатта келади. Сизларни кўргани келиб, ўзи билан бирга олиб кетади, қизим", - деб сингилларимни юпатди. Лекин сингилларим ўша пайтда ҳали гўдақ бўлишларига

қарамай, мурғак кўнгилларидан нималар кечди экан? Аллоҳ билади. Эҳтимол улар аямни интизорлик билан кутган, аямни кўргиси келгандир.

Бола бўлсам-да, тақдир синовни мени бир зумда улғайтириб қўйган эди. Сингилларимни овутиш мақсадида боғчадаги қачелийда бир оз учуриб ўйнатдим. Қайтаётиб дадам боғча опа билан анча вақт нималарнидир гаплашиб қолдилар. Сўнг дадам икковимиз сингилларим билан хайрлашиб уйга қайтдик. Уйда аям сингилларимни ҳол-аҳволини сўради. "Қизларимни бир кўриб, дийдорларига тўйсам, пешоналаридан бир-бир ўпсам, кейин ўлсам ҳам майли эди", - дедилар оғир хўрсиниб. "Нега унақа дейсан, яхши ният қил! Дўхтирлар сени тез кунда тузалиб кетади, дейишяпти. Худо хоҳласа, тузалиб кетасан, ҳали қизларингнинг тўйида ўзинг бошчилик қиласан", - деди дадам аямнинг кўзларига боқиб. "Айтганингиз келса қоши эди, адаси", - деди ойим ва чарчади шекилли, кўзларини юмиб олди. Назаримда дадам буни сездим, хонада ўтиролмай эшикка чиқиб оғир хўрсинди. Ордан анча вақт ўтди, дадам икки синглимни етаклаб эшикдан кириб келди. "Аяси, мана, қара қизларингни



ҲЕЧ КИМ ЯҚИНИДАН ЖУДО БЎЛМАСИН

АРЗИ ҲОЛ

ПУЛИМИЗНИ ҚАЙТАР "АСТРОВОЗ"

... Саккиз йиллик "ишқал иш" ҳақида ёзмоқчиман. "Астровоз" деган суғурта (корхона) ташкилоти вакиллари 1991 йил маҳалламизда уйма-уй юриб, "ортиқча пулларингизни бизга ойма-ой топшириб борсангиз. 1996 йилда фоизи билан оласизлар", - деган ташвиқот олиб бордилар. Кўпчилик бунга ишонилдида, рози бўлишди. Шундан сўнг ташкилот вакиллари ой сайин келиб, пул (бадал) йиғиб, квитанция бериб турдилар. Масалан, биргина бизнинг оилада, ўғил ва уч набирам учун сурункасига икки йил пул ўтказиб турдик.

"Астровоз"нинг вакили кўринмади. Биз хайрон бўлдик ва квитанциядаги манзилгоҳ (Тошкент шаҳри, Юлиус Фучик кўчаси, 2-а уй, телефонлари: 32-03-69, 32-04-69) бўйича у ерга кўнгирак килдик, бордик. Жавоб битта бўлди: Сизларнинг пулингиз қуйди! - Нера? - сўрадик. Бу саволимиз эса жавобсиз қолди. Ҳарчанд уриндик, жўяли жавоб ололмадик. Балки Тошкент шаҳар ҳокимиятидаги мутасадди раҳбарлар бу борада бизга ёрдам берар...
Х.АЛИМХҲАЕВА,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Лутфий маҳалласи

ЭНГ АҚЛИ, ЭНГ МЕХРИБОН ҚИЗ ЭДИ...

Синфимизнинг энг ақли, меҳрибон қизи - дугонамиз Тошева Дилдора автомобил ҳалокатига учраб 7 ноябр куни ҳаётдан бевақт кўз юмди. Бу жудодик нафақат унинг қариндошлари, бутун мактабимиз жамоасини, синфдошларни қаттиқ ларзага солди. Ҳали-ҳануз ўзимизга келолмаймиз. Хар қадамда Дилдоранинг ўрни билинади. Синфга кириб, унинг бўш қолган ўрнига қаролмаймиз. Дилдора "Оила ва жамият" газетасининг ашаддӣ мухлиси эди. Биз дугоналар ҳар доим сенинг саҳифаларингизда эълон қилинган мақолаларни ўқиб, қизгин баҳсларга берилардик. Дилдора бошчилигида бир нечта қизлар "Оила ва жамият"га обуна бўлдик. Афсус... Дилдора обуна бўлди-ю...
Қадрдон "Оила ва жамият", Сенинг саҳифаларингиздан ҳеч кимга айтмаган юрак сирларини, дардларини ёзган тенгдошларимизнинг хатларини кўп ўқиймиз. Биз ҳам қалбимизга сизга олмайётган дардларимизни сенга ёзиб юбораямиз. 29 декабр Дилдоранинг туғилган куни...

ХОТИРА МУҚАДДАС

Сониялар, сатрлар бир-бирини тинимсиз қувиб ўтмоқда, лекин биз учун гўё ҳаёт тўхтаб қолгандай... Бир пайтлар ҳар янги кунни олам-олам қувончу орзулар билан қаршилардик. Битириш онлари-ю, талабалик бахтини тасаввур қилардик. Сен эса, ҳамшира лабларингизда жибваланиб тургучи табассум билан: "Мен филолог бўламан" дердинг. Афсус! Шафқатсиз ўлим сени эрта олиб кетди. Шўхчан кулгуларинг, беозор ҳазилларинг қувонтирувчи дўстларингни бевақт ташлаб кетдинг. Ҳазон барглар сингари ота-онанинг ранги сарғайиб қолди. Сендек ақлли, камтарин, хушчақчақ қиздан айрилиш нақадар оғир... Умринг қиска эканми, Оллоҳ сени бунчалик меҳрибон, маъсума қилиб яратибди. Оппоқ орзуларини опичлаб кетган Дилдорамиз. Мана, янги йил ҳам яқинлашмоқда. Бўлганимизда 29 декабр ота-онанг, ёру дўстларинг учун энг бахтли кун бўларди. Сен шу кун 16, ёшга тўлардинг... Ҳамманинг кўнглини кемтик қилиб кетдинг. Дийдоринг қиёматда қолди, Дилдора...
Илоҳим жойинг Жаннатда бўлсин. То тирик эканмиз, қалбимизда абадий яшасан.
Феруза ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Гулрух НАСИМОВА,
Гулчехра ЁДГОРОВА,
Бухоро вилояти, Фиждувон туманидаги 28-мактабнинг 10-синф ўқувчилари номидан

БИРОВНИНГ ЭРИ ЭР БЎЛМАЙДИ

“Бу йўлдан қайтмайман” – 35-сон

Эслатма: Ўзим ишлаган-да уйда ўтириб кўп пул топардим. Бир кун Муроджон исмли киши билан танишиб қолдим. Улар 22 йил яшаган хотини, 5 боласини борлигига қарамай мен билан никоҳ ўқитди.

Азиза, Марғилон

Хурматли Азизахон! Севимли газетамиз “Оила ва жамият” орқали Ситорага ёлган мактубимдан таъсирланиб менга жавоб йўлалбсиз. Хатингиз учун раҳмат. Лекин баъзи бир гапларни очик-ойдин ёзмаган эдим. Шундай бўлсада ёзганларимни ўқиб роса йиғладим дебсиз. Начора, қанчалки аччиқ бўлмасин ҳақиқатни айтиш керак. Қолаверса дўст одам мана шундай тўғри гапни айтади.

Азиза! Ҳаёт ниҳоятда мураккаб ва ҳар бир инсон учун бир синовдир. Ўзингиз тал олиб очикдан-очик иккинчи хотин эканлигингни худаям тўқинла-ниб ёзбисиз. Авваламбор Мурод акангизни шунчалар қаттиқ яхши кўриб қолибсиз. Албатта бировни яхши кўрган одамга нимасини яхши кўрдиган де-ман савол берилмайди. Яхши кўрибсиз тамома, вас-салом. Норасми оила курганларингиз андигона 8 ой бўлибди. Бу ҳали жуда ҳам оз муддат. Дунёда инсоннинг ичини билишдек мураккаб нарса йўқ. Эътиқодингизни қўйган Мурод акангиз бир кун келиб сизни ташлаб кетмаслигига ишончингиз комил-ми? Йўқ! Шунинг яхши билинги, бировнинг эри ҳеч қачон сизга “эр” бўлмайди. 22 йиллик турмушга, хотини ва 5 та фарзандига хиёнат қилган эркак бир кун келиб сизни ҳам ташлаб кетади. Бунга мен ишонман! Ҳозир ҳаётда сиз каби иккинчи хотин бўлиб яшаётганлар ҳар қадамда учраб турибди. Лекин аёл... у Оллоҳ томонидан яратилган буюк, бетакрор мўъжиза, ҳаётнинг шамчироғи. Баъзан шу шам арзимас хатолар гирдобиди сўниши ҳам мумкин. Эътибор беринг, ҳозир Мурод акангиз сизни “кундош” деган балодан ҳимоя қилаётган экан. Биласизми, дунёда ҳадиксираб яшайдан ортиқ азоб йўқ. Гўё бошингда биров қилич кўтариб тургандек, сен бўлсанг ҳар лаҳзада ўша қилич бўйингизга ту-шишини кутаётгандек. Турмуш қуриб, 22 йил бир ёстиққа бош қўйиб, 5 фарзандни дунёга келти-риб, қуда-андалик бўлган бир пайтда энди эри устига хотин оلسа, индамаса. Ёдингизда бўлсин,

“эр бериш-жон бериш” дейилади. Ҳаммасини очик-ойдин билган хотини албатта бир кун келиб сабу-бардоши тугайди. Энди уни юрагидаги меҳру-мухаб-бат ўрнини нафрат эгаллайди. Мана шу нафрат ортида алам ўти алангаланиб у ўч олиш билангина барҳам то-пади. Ва албатта бу қасос олиш тоши эрига эмас, балки кундошига қарата отилади.

Ўзингиз холи ўтириб яхши ўйлаб кўринг. Мурод акан-гиз ҳафтада 2-3 марта ёки айтайлик ҳар кун, масалан тушлик пайтда ёки ишдан кейин 2-3 соатга келиб -ке-тар. Сизни 2 та ўғлингиз бор экан. Эрингиз (агар шун-дай деб аташ мумкин бўлса) тўлиб-тошиб ёки баъзан қуруқ кўл билан келади. Сиз уни яхши қутиб олдингиз. Лекин, ҳол-авол сўраш, болаларни эрқалаш учун вақт керакми? Улар сат катарроқ бўлишса дарси, уларни тар-бияси; юриш-туришини суриштириш-ота зиммасида бўла-димми? Майли, шундай қилди ҳам дейлик. Лекин севим-ли фарзандларингиз учун булар ҳаммаси омонат, вақ-тинчалик эмасми? Бу томонларига ҳам чиданг. Ўлим ҳақ, Дунёга ҳеч ким устун бўлмаган. Бир кун келиб вақти-соати етиб эрдир, хотиндир бу оламдан ўтиши мумкин-ми? Қани энди айтингни, сўнгги манзилга кузатишда бир-бирини жанозасида на ўзи, на фарзандлари қатна-ша олмаса бу даҳшатли ҳол эмасми? Мана шунда одам бир куннинг ўзида ҳам энг бахтли, ҳам энг бадбахт ким-са айланиб қолиши мумкинлигига ишонасиз.

Кўп хотинлилик, ўзгаларни бўлар-бўлмасга “севиб” қолаверишлик бу кўнгли хоҳиши. Аммо севиб-севи-лиш, эр-хотинликнинг ўз масъулияти бор, бурчи бор. Буни унутмаслик керак. Иккинчи хотин тутишдан мақ-сад биринчи хотиндан кўрмаган меҳрини, оломанган хоҳиш-истакларини олишми? Ҳамама нарсаи ҳам ян-гиси яхши, дейилади. Эскирдими... яна ўша ҳол. Му-род акангиз ҳозир 50 ёшни қоралабди. Оллоҳ сизга фарзанд ато этса 20 йилдан кейин фарзандингиз хоҳ у ўғил, хоҳ у қиз бўлсин никоҳ тўйини қиларсиз. У вақт-да Мурод акангиз 70 га қиради. Энди қаранг, 70 ёшга кирганда белидан куч-қуввати, қўлидан молу-давлати кетган бир пайтда сизга ёрдам қўлини бера оларми-кан? У ёшда энди у ўз ташвиши билан яшаб, кўпроқ ўзини ўйлайди. Аминманки, ҳамма оғирлик кейинча-лик ўзингизни елкангизга тушади. Буларнинг исботи-ни ҳаётда кўрапмиз.

Азиза, тўхтанг! Ҳали ҳам кеч эмас. Оилани эркак ҳеч қачон сизга эр бўлмайди. Ҳали ёш экансиз. (28

ёш ҳали ёш-да) умр ўтган сайин, ёшингиз улғая бор-ган сари бир оғиз ширин сўзга, доимий ҳамроҳга муҳтож бўла бошлайсиз. Бошингиз ёстиққа теккан-да албатта авваламбор ўз турмуш ўртоғингиздан на-жот истайсиз, кутасиз. Лекин унда пушаймон еган билан ҳеч нима ўзгармайди. Шафқатсиз вақт энди ўтган, кеч бўлади. Ҳозир ҳали ҳам кеч эмас.

“Бу йўлдан қайтмайман” деб ёзбисиз. Йўқ! Бу йўлдан қайтинг! Қайтмасликка аҳд қилиб қўйган қа-дамингиз сизга баҳт эмас, аксинча нохушлик, бахтсиз-лик олиб келади... “Ўзиз яшолмайман” дебсиз. Эҳ, бу фоний дунёда абадий нарсанинг ўзи йўқ-ку. Юрагин-гизга аланга солган “севи” у муҳаббат эмас. Балки эркакнинг ўзи орзу қилган аёлга, аёлнинг ўзи орзу қилган эркакка табиий талпинишдир. Лекин, афсус, энг оташин севи-муҳаббат ҳам “мурод-мақсади” ет-гач совийди. Кимддир эртароқ, кимддир кечроқ.

Унутманг, Азиза! Умрида ақалли бир марта “шу билан эмас, боқаси билан яшасам, балки бахт-лироқ, бахтиёрроқ бўлардим” демайдиган (ёки шундай деб ўйламайдиган) аёл ҳам, эркак ҳам кам-дан-кам топилади. Негаки, етти қават осмонда учиб юрган севи ўрнини вақти келиб турмуш-нинг оддий ташвиши, рўзгор, бола-чака ташви-ши, тушунмовчилик эгаллайди. Қуни-кеча шусиз яшолмайман, ўлиб қоламан деганлар энди ана шундай арзимас икир-чикирлар учун бир-бирла-ридан воз кечадилар. Ҳаттоки энг садоқатли эр-хотин ўртасида ҳам олий туйғулар бора-бора хи-ралашади.

Сизга чин юрагимдан айтаётган ушбу гапларимни қандай қабул қиласиз ўзингиз биласиз. Лекин сизни аёл сифатида бахтли қўришни истайман!
Азиза! Ўткинчи “муҳаббат”га берилманг! Ҳеч қачон ҳаётнинг аччиқ синовлари олдида иродангиз буқил-масин! Аксинча ўзингизга янада мустаҳкам бўлинг, сабу-қаноатли, бардошли аёл бўлсангиз, зеро бар-дошли аёл-бахтли аёл дейдилар. Сизга соғлик-омон-лик, тинчлик-хотиржамлик, оилавий бахт тилаймиз! Оллоҳ сизни икки дунёда азизу-муқаррам қилсин!

Шундай бахт топингки “ўзга” бир инсон
Сен туйғайди бахтсиз бўлиб қолмасин.
Шундай бахт топингки орзумдан кўнгли
Сўнгра пушаймонга тўлиб қолмасин.
Шундай бахт топингки қулган толеинг
Фақат сенга эмас, барчага боқсин.
Бахтингдан-тахтингдан қувнаб кишилар
Ортингдан ҳаммаша ҳавасла боқсин!..

ГУЛЧЕХРА

Тошкент шаҳри

ҲАММА НАРСАНИНГ ЧЕГАРАСИ БОР

“Ҳаётимдан хурсандман” – 43-сон

Эслатма: Ўзим севган кишига турмушга чиқдим, 1 қизим бор. Жудаям бахтлиман. Ҳаётда ҳар нарсадан камчилигим йўқ. Қайнона, қайнотам, эрим истаган нарсамни муҳайё қилиш-моқда. Ҳаммани мендек яшашини истайман.

Б.

Синглим Б. мен бировнинг ҳаётига ҳасад ва ҳавас қилиш ёшидан ўтганман. Ёшим 39 да. Шу пайтгача мендан яхши кийинган, яхши яшаётганларга ҳасад қилмаганман. Ҳавас қилардим-у, лекин бундайроқ яшаётганларни кўриб шукр қилардим. Худого шукр соғ саломатимиз, унчатка қураепмиз, 4-хонали уйимиз, 3 та фарзан-дим бор (2 қиз ва 1 ўғил). Ада-мизни ҳам ишлари яхши. Биз-га ҳамманиннг ҳаваси келади. Баъзи бир кўра олмаганлар бир-бир ёлгон иғволар ҳам қилиб қўйишади. Майли чега-радан чиқиб кетдик, ҳаммала-рига инсоф берсин.

Синглим Б. мен сизни бах-тингиздан жуда хурсандман, майли бу бахтингизни чега-раси бўлмасин. Рўзномага ёзиб балки муштарийлар фикрини билмоқчи бўлгандирсиз.

Лекин, бахт бу фақат яхши яшаш, қайф-сафо, таралла-бе-доқ қилиб юриш эмас. Тўғри, бахтни ҳар ким ўзича тушуна-ди. Сиз ҳозир ёшисиз, ота-онан-гизни, қайнона-қайнотангизни балким биринчи фарзандларин-гизсиз. Улар сизларга кўп эркин-ликлар бериб, сизларни тўла-тўғис бахтли яшашингизни таъ-минлаб қўйишибди. Ҳозирча улар бор, уларнинг давлатлари, амаллари бор экан сиз “бахт-лиман” деб юрибсиз. Эртага, эр-тага-чи нима бўлади синглим, шу ҳақда ҳам ўйлаб кўрсангиз яхши бўларди. Ўқигша кирибсиз, ўқинг, фақат ташлаб юборманг ўқини. Қуёв бола ҳам бирорта жойда ўқиганини, ўқимаган бўлса

ўқисин. Бирор жойга ишга кирсин. Қачонгача шундай юради, ахир фарзандли ҳам бўлибсизлар. Энди ўзингиз ҳам ҳаракат қили-шингиз керак. Қачонгача ота-она-ни сизларга боғлаб берибди. Сиз-лар ҳам уларга ёрдам беришин-гиз нур устига аъло нур бўларди. Ахир уларни ва уларнинг марта-басини сизларга боғлаб берма-ган-ку. Эртага нима бўлади, бу ҳақда ҳеч ўйладингизларми?

Синглим, ҳамма-ҳамма нарсаниннг чегараси бор, келинмисиз? Келиндек юринг. Она бўлдингиз-ми, энди болангизга меҳрингиз-ни ҳам озгина бўлса ҳам беринг. Қайнонангиз “ёшисиз, гўдақсиз” дебдилар. Ёш бўлсангиз ҳам би-рор ишни эплаб, уй-рўзгор иш-ларига қарашинг, ўрганинг. Оила ташвишларини, баҳамжихатлик билан яшаш сирларини, рўзгор тебратишни секин-аста ўргансан-гиз ўзингизга фойда. Қайнона-гиз билан онангиз ёрдамида рўзгор ташвишларини, овқат, пи-шириқлар пиширишни, бола бо-қини ўрганинг. Қилганингиз ўзингизга ҳам фойда, уларга ҳам. Аёл киши ҳаммасини худдалаши керак, ўқини ҳам, уй ишлари-ни ҳам. Сизга ҳозир ёрдам бе-ришаётганда ўқиб олинг, албат-та. Эртанги кунингизни ҳам ўйлаб иш тутинг. Бу ҳаётга сиз ин-тилганингиз йўқ, синглим. Сизга бу бахтли ҳаётни ота-онангиз қўш-қўллаб тутиб туришибди.

Энди, бу ёғига ўзингиз, оилангиз билан фикрлашиб, ба-ҳамжихатлик билан ҳаёт кечи-ришга интилсангиз яхши бўларди.

ҲАКИМА ТўЛАГАНОВА

ҚЎША ҚАРИНГЛАР

“Менга тахт эмас, бахт керак” – 43-сон

Эслатма: Эрим билан фарзандларимизни тинч тарбиялаб яшаётгандик. Аммо... Яқинда орамизга учинчи бир инсон ара-лашиб қолди. Менга молу-дунё керакмасу, болаларимнинг тирик етим бўлишидан кўркаман...

Г.

Хурматли опахон Г. Сизни дил изхорингизни ўқиб жуда ҳаёлга толдим. Тўғри, сиз ўз бахтингиз учун курашяпсиз, лекин шу бахт учун сиз ҳамма вақт курашингизми?

Мана сиз оддий оиладанман дедингиз, аммо бизнинг му-султомчиликда қиларимизга (йигитларга ҳам) турмушга чиқ-қандан сўнг эрига қандай муо-мала қилиш, ўзини қандай ту-тиш кераклигини камдан-кам оилаларда ўргатилади, вахо-ралаб қўямиз ҳам оила му-стаҳкамлиги учун керак.

Аёл кишини жони 40 та бўлади деб донишмандлар бе-жиз айтишмаган. Биз аёллар болалик бўлиб ўз эрларимизга вақтни ҳам, меҳрни ҳам чега-радаб қўямиз, аммо бу нотўғри, биз аёллар ҳаммасига улгури-шимиз керак. Эрталаб ишга кет-ган эркак, уйга меҳр-иссиқлик, тинчлик истаб қайтади, бир дам оила даврасида тинчликда дам олгиси келади, бироқ акси бўлганди...Меҳр кўзда дейи-шади. Кириб келган турмуш ўртоғингизга: Ассалому алайкум, деб қулиб қутиб олинг. Қўзига меҳр билан боқинг.

Онанин отанга бепардоз кўрсатма, дейишади. Бу сўзлар бежиз эмас. Аёл киши озгина бўлса ҳам болаларидан ортиб ўзига қараш, гигиена қоида-ларига риоя қилиши керак.

Опахон, мен бу гапларни фақат сиз учун эмас, ҳар бир аёл учун тааллуқли эканлиги учун ёзаётман. Сиз ҳозирги вази-ратдан, фақат ўзингизни оғир олиб, ақл билан иш тутибгина яхши натижа билан чиқасиз. Опажон турмуш ўртоғингизга

аввалгидан ҳам яхши муомала-да бўлинг. Ўз исзат-нафсингиз-ни поймол қилдирманг, ялина-вермасдан, ҳаммасини ўртага солиб тўс-тўполон қўтармасдан ҳал қилишга ҳаракат қилинг.

Турмуш ўртоғингиз билан бирор жойга истироҳат боғига-ми, холироқ жойда ўтириб ҳамма дардларингизни, уни (эрингизни) ҳурмат қилиш-нигиз, ўзингизни ҳам қисман айбдорлигингизни (агар айби-нги бўлса) айтинг. Турмушларин-гизни янгибдан бошлашни, болалар ота меҳрига тўйиб ўси-шини исташингизни айтинг. Хато қилмаган инсонни ўзи йўқ бу дунёда, инсон ўз хоталари-ни тутата билгани учун ҳам у инсон!

Бир мисол келтирсам. Биз-нинг яқин қариндошимиз Б. исмли аёл турмуш қуриб, 20 йилдан ортироқ яшаб ҳеч тур-муш ўртоғидан нолимаган, жуда давлати тўқис яшаган. Болалари бўлмагани сабабли 2 фарзанди асраб олишган, шун-дай бўлса ҳам оиласига ҳавас қилиб қараганлар кам эмас эди.

Б. исмли аёл кўчадаги аёл-лардан эрини бегона аёл билан таниш эканлигини, бир-икки уни кузатиб қўйганлигини билиб, эшитиб ўша аёлни кузатиб юради. Бир кун эри дам олишга кетганда ўша аёл-ни уйига бориб тўполон қила-ди, жанжал кўтарди. Эри қай-тиб келиб бу ишлардан хабар топиб, аёли ўзини тутта билма-гани учун ўзи билан суҳбатла-шагани учун кўнгли чил-чил си-надди, эру-хотин ўртасида меҳр-оқибат кўтарилди. Эри уй-жой-ни ташлаб чиқиб кетади. Ва бир

тинч оила бузилиб кетади.

Опажон оғир бўлинг! агар эркак кишига инсоф бермаса жуда қийин. Худодан сўрайди-ган тинчлик-товулик, бахтни, соғлиқни бандасидан сўра-манг. Инсофини Худодан сўранг. Агар эрингизни дунё қарашни, ақли-хуши жойида бўлса, ҳеч қачон бўйи-буйига тенг бўлиб қолган фарзанд-ларидан воз кечмайди. Агар шундай ҳам қилса боланиннг сиз-ни алдаган эркак, ўша аёлни ҳам алдайди, уни ҳам ташлаб кетади, болаларингизни увол-ли тутайди.

Очликка чидаш мумкин, етишмовчиликка чидаш мумкин. Лекин бу ҳолга асло чи-даб бўлмайди дебсиз. Ле-кин мен билган, рўзгорда қийналган, болаларини зўрға-зўрға боқадиган қўшим билан суҳбатлашиб шу мавзуда гапшииб газетая-ни ўқиб берганимда:

Вой, художой агар кий-интириб, едириб-ичириб қўйса жон дердим. Тўрт томони қи-бла, нечта аёл билан юрса ҳам майли эди, деб жавоб берди. “Бирни кўриб фикр, мингни кўриб шукр” дейишган. Инсон борки ўлимдан бошқа ҳамма қийинчиликларга чидайди.

У аёлга келсак, биринчи эрига вафо қилмаган аёл сиз-ни эрингизга вафо қиларми-ди. Эрингизни вақтихушлиги вақтинча, ҳамма нарсани чеки бор.

Қиз бола тез етилади. Оз-гина қолибди. Қуда-андали бўлиб қоласиз, эрингиз ҳам тортилиб қолади. Фақат озги-на оғир бўлинг, соғлигингиз-ни ўйланг, ўзингизни кўпроқ севинг, эрингизга, болала-рингизга меҳр қўйинг.

Агар оила қўри иссиқ бўлса эрингиз ҳеч қачон ҳеч қаерга кетмайди. Илоийн қўша қаринлар.

НАРГИЗА

ШАБРИКЛАР ВА ЭЪЛОНЛАР



Онажонимиз МУКАРРАМХОН ая!
Сизни 27 ноябр, туғилган кунингиз билан табриклаймиз.
Уйимизнинг ободлиги сиз биландир. Қалбингиз ҳаёт кувончларига тўлсин, азиз онагинам!
Фарзандларингиз номидан **Мухаррам**



Азиз Замира МИРХУЖАЕВА!
Сизни 50 ёшга тўлишингиз билан кутлаймиз. Оиламиз бахтига доимо соғ бўлинг! Фарзандларингизнинг роҳатини кўриб юринг.
Онанг Жамила, оила аъзоларингиз



Қизимиз СЕВАРАХОН!
Навқирон 16 ёшингиз кутлуғ бўлсин.
Ўқишларингизда ютуқлар тилаймиз. Келгусида бахту саодатли бўлинг.
Ота-онанг, уканг Шухрат, синглинг Саодат



Азиз адажонимиз Аскаржон СИДДИҚОВ!
Сизни таваллуд айёмингиз билан кутлаймиз.
Рафиқангиз Ҳаётжон, синглингиз Умида, фарзандларингиз Нигора, Севара, Сардор.



Хурматли Обиджон КАРИМОВ!
Сизни туғилган кунингиз, 40 ёшга тўлишингиз билан чин дилдан ўзим ва оила аъзоларимиз номидан табриклайман. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайман.
Ҳамиша болаларингиз бахтига соғ бўлинг деб, синглингиз **Шоира**
Китоб шахри, Х.Олимжон кўчаси

СОЧ

“Анатомия дафтари” асаридан

Инсон вужуди бўйлаб ўтказиладиган саёҳатни сочдан бошлаган маъқул. Чунки, инсоннинг боши сочдан бошланади. Ғалати-да: юзда соч йўғ-у, калланинг лақаби - жунбош. Аслида юзда ҳам туқлар оз эмас, аммо улар кўзга кўринавермайди. Бошдаги соч - миянинг ташқи палтоси. Мия зарбага учрамадлиги, совуқ қотмаслиги учун табиат сочини яратган. Ундай бўлса нега айрим амалдорларнинг бошида соч бўлмайди? Ғалати-да ўзи: авваллари калнинг устидан кулишган, уни калака қилишган. Боши калнинг кўнгли нозик бўлади, кўр бозорга бормаиди, кал ҳаммомга, деган нақллари яратилган.

Аслини олганда, анатомик нуқтаи назардан сочсизлик соғломликдан нишона эмас. Маълумки, танамизда айрим элементлар кўпайиб кетса, модда алмашуви бузилади. Соч ўзи билан ана шу ортқча ёки ўлик зарраларни олиб чиқади.

Биз сочдан кўпроқ ҳуснга зеб бериш - зийнат сифатида фойдаланамиз. Хотин-қизларимиз турмақларнинг адоғига етиб бўлмайди. Анатомия ва санитария жиҳатидан эса буларнинг бари - ортқча даҳмаза. Аёлми, эркекми - сочи қисқа қилиб олинган, тоза бўлса кифоя. Теридида соч пиёзчалари бўлиб, унга кўллаб қон томирлари, нерв толалари келиб туташган. Соч қисқа, эркин бўлгандагина, улар нормал фаолият кўрсатиши мумкин.

ТЕРИ

Тери Одам Ато билан Момо Ҳаво томонидан инсон боласига кийгизиб юборилган ягона ва боқий либос. Биз умр сўнгигача шу комбинзонни кийиб юришга маҳкум этилганмиз. Бу либос эскирмайди, гижимланмайди, йиртилмайди. Тери таркибидаги ҳужайралар, тўқималар, қон томирлари, нерв толалари, рецепторлар фаолияти бир олам. Биргина рецепторларнинг тури ва вазифаси ўнлаб докторлик диссертацияларига мавзу бўлади. Терининг турли қисмларида жойлашган рецепторлар турфа вазифаларни бажаради. Теридаги рецепторлардан бири шўрликни, иккинчиси - ширинликни аниқлаб беради. Ё қудратингдан, табиат, дея ёқа ушлайсан бундай пайтда.

Анатомик жиҳатдан ўпишиш - лаб терисини лаб ёки юз терисига тегиши холос. Аммо бу ҳолдан икки томон ҳам лаззат топиб, энтикиб кетишини кўргансиз... Бунга ўша қайсар ва беҳаё рецепторлар айбдор.

Тери - организм ҳароратини мўътадил тутиб турадиган мўъжизавий қудрат. Энг олий даражадаги шохона либос ҳам унинг наздида бир тийинлик мато. Бизнинг табиий чопонимиз ҳарорат паст бўлганда, ўзидан иссиқлик ажратади. Терининг бир кеча-кундузда ажратадиган иссиқлиги етмиш литр сувни қайнатишга баралла етади. Ҳаво иссиқ пайтларда эса намликни буғлатиб, мўътадил ҳолат яратади. Ҳаво таркибидаги зарарли газлар ҳар қандай қалин либосдан ўтади, аммо терига келганда, тақалиб қолади, киролмайди. Жуда ғалати! Тери нафас олади-ю, зарарли газни киритмайди.

Нусрат РАҲМАТ Самарқанд

ЯХШИЛАРДАН СЎЗ ОЧДИК

ШУНДАЙЛАР БОР БЎЛСИН

Тошкент юридик институти қошида Академик лицей ташкил этилиб, иш бошлаганига ҳали бир йил ҳам тўлгани йўқ. Мен шу даргоҳда кутубхоначилик қиламан. Кутубхона - нурухона дейишади. Чунки, бу даргоҳ илмга ташна қалбларга зиё улашади.

Мен кичик бўлса-да, лекин катта аҳамиятга молик бир воқеа ҳақида гапирмоқчиман.

Лицей директори Холмурод ака Назаров кутубхонамиз фондига ўз ҳисобидан 60 дона ҳуқуққа оид янги китоб совға қилди. Холмурод акага ўхшаб ўз касбига содиқ, ҳалол ёндошадиган, қўл остидаги ўқитувчи - ишчиларга меҳрибон, талабаларга эътиборли, фидойи, азиз раҳбар - устозлар кўпаяверсин!

Сурайё АЛИХУЖАЕВА

“БЕГОЙИМ - СЕРВИС”

Азиз аёлларни ўқишга таклиф қилади:

1. Массаж.
2. Уй ҳамшираси.
3. Торт, салатлар тайёрлаш.
4. Тикиш-бичиш, моделлаштириш.
5. Саргарошлик.
6. Замонавий урфдаги пардалар тикиш.
7. Замонавий бухгалтерия ҳисоби.
8. Компьютер.

Манзил: Урда бекати, Анҳор бўйи кўчаси. 8-уй.
Тел: 41-16-63, 45-78-34.

Озишдан, семиришдан, қабзиятдан ва хуснбузарлардан қутулишга ёрдам берамиз.
Тел: 74-71-29

“ДИЛОРОМ”

ўқув маркази таклиф этади:

2 ойлик:

1. Компьютер билимлари.
2. Замонавий бухгалтерия ҳисоби.
3. Зардўзлик - бухороча.
4. Тикиш-бичиш, моделлаштириш.
5. Аёллар устки кийимларини тикиш-бичиш, моделлаштириш.

3 ойлик:

1. Компьютерда бухгалтерия ҳисоби.
2. Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун).

Манзил: Абай кўчаси, 4 “А”-уй,
1-қават, 115-хона
Тел: 144-03-25; 125-19-15.
Мўжал: “Алишер Навоий” метро бекати.

Қорақалпоғистоннинг Беруний шаҳрида пишиқ гиштдан қурилган, 2 қаватли, 8 хонали, 10 сотиқ ер участкаси бор барча қулайликларга эга (канализация, сув, табиий газдан алоҳида иситиш системаси, ҳаммом, гараж ва х.к.лар) шахсий уй сотилади ёки Тошкент шаҳридаги уй (дом)га ўзaro келишилган ҳолда алмаштирилади.

Тел: Тошкент шаҳри, 54-01-85, Файзуллони сўранг

Табиий дори-дармон маҳсулотлари билан пес-моҳол, бўгин-тери, саратон хасталикларини даволаймиз.
Тел: 75-43-38

Менинг қайнотамдек қайнота (4 йил аввал 90 ёшда вафот этганлар) бошқа ҳеч кимга насиб этмаган бўлса керак. У кишининг меҳридек меҳр, у кишининг ҳалимликдек юмшоқ кўнглилик, кенг феъллик ва бағри кенгликни мен бошқа инсонда учратмаганман.

МАШНУНТОЛ СОҒИНАДАН ҚИЛАДИ

Қайнотам Набибой Тиллабой ўғли хотирасига

Оталик бурчини оқлаган,
Гапирсам сўзларим ёқлаган,
Доимо хурматим сақлаган,
Меҳрингиз бор эди бир жаҳон,
Қадрингиз билинди, отажон.

Камнамо бўлдилар қардошлар,
Узоқлаб кетдилар сирдошлар,
Туғади сабр, ҳам бардошлар,
Хувиллаб қолди бу кенг жаҳон,
Қадрингиз билинди, отажон.

ХОТИРА МУҚАДДАС

Томимдан чаккалар ўтмоқда,
Экинлар қовжираб битмоқда,
Диллардан меҳр ҳам кетмоқда,
Сизсиз хароб бўлди хонадон,
Қадрингиз билинди, отажон.

Деворлар шўр босиб нуради,
Мажнунтол соғинчдан кулади,
Ғанимлар шодланиб кулади,
Изларингизга зор бу макон,
Қадрингиз билинди, отажон.

Рухингиз жаннатдан жой олсин,
Орому осойиш тополсин,
Ёдингиз мададкор бўб қолсин,
Барчамиз кўмсайимиз ҳар қачон,
Қадрингиз ўтмоқда, отажон.

Замирахон МАМАТХУЖАЕВА, Фаргона вилояти, Ўзбекистон туманидаги 5-мактаб ўқитувчиси


“ОИЛА ВА ЖАМИЯТ” УГИТНОМАСИ

АЁЛЛАР

Эркак лойдан яралган, аёл эговдан,
Яралганлари ҳам бор қору-қировдан.
Жуфтингни ризкинни қиймагин асло,
Сендан кўрмаганин кутар бировдан.

Уйингдан чиқдингми йўлга қарайди,
Ўсма, сурма қўйиб сочин тарайди.
Юзим хунук дебон қуйинма ошна,
Аёл зоти борки кўлга қарайди.

Аёлга ўргатманг, ўзи билади,
Фойдани-зиённи билиб қилади.
Хохласа эрларин шаҳаншоҳ айлаб,
Хохласа тез кунда гадо қилади.
Зокиржон ҚОСИМОВ
Андижон



СЕРХОСИМ ОЛЧА

Укам раҳматлик Абдушукр вафот этган кунини, келимин Фотима шундай туш кўрган экан. Оппоқ ясалган от арава эмиш. Ўша от арава ҳовлимизнинг қиравериш жойидаги серхосил олча тагига келиб турганида, олчанинг бақувват бир шох меваси билан арава устига синиб тушибди-да, шундан кейин арава ёруғлик томонга кетиб кўздан ғойиб бўлибди.

Ўша келимининг кўрган тушидан сўнг беш соат ўтар-ўтмас хаста ётган укамнинг жони узилган эди.

Саидмурод САИДАҲМАД

Боши ўтган сонларда

Юлдуз шундай дея йиғлаган кўйи кабинетдан чиқиб кетди. Эшикнинг зарб билан қарсиллаб ёпилган овози гўё мушт бўлиб юрагимга келиб урилгандек сессаним тушдим. Мени ҳам кўзларимга ёш қўйилиб келди, бу кўз ёшлар алам ва ғазаб ёшлари эди. "Наҳот мен номард бўлсам, наҳот шунчалик ваҳший, ор-номуссиз эркак бўлсам, у мени шундай атадимми? Нима учун бундай деди? Мен билан ётишни хоҳламас экан, индамайгина рад этса буларди-ку, мени устимдан шунча марзава ағдариб кетиш, балчиқча белаб кетиш шартмиди? Ёки қадрини шунчалик бандан қўйдиими, аёл киши бўла-туриб шунчалик мағрурми? Мени номард дедими, яхши, энди қанчалик уринмай унинг кўз ўнгига номард бўлиб қолаверман, шундай экан номардлик қанақа бўлишни энди кўрсатаман. Бу қизча ҳали номардга, йиғит кишининг номардлигига дуч келмаган кўринади. Миямда ана шундай салбий фикрлар гўжон ўйнарган, қандай бўлмасин Юлдуздан ўч олишни ўйлай бошладим. Уларни ётоқхонадан, ишдан ҳайдаттира олмаيمان, эри шикоят қилиши мумкин. Бошқа йўлини топиш керак.

Кўп ўтмади, менга жуда яхши имконият туғилган бўлди. Заводнинг ётоқхонаси ховлисида бир кишини ўлдириб кетишгани ҳақида маълумот берилди. Қотиллик рўй бергандан сўнг, гувоҳлар қаторида рўйхатга олинганлар ичида Юлдузнинг ҳам эри бор эди. Ўзимдан ўзим хурсанд бўлиб кетдим. Номардлик қилишни энг ғарз кўри-нишни излай бошладим. Ва ниҳоят, топдим.

Эртаси кун Ички ишлар бўлимига бордим. Қотиллик ўзисидан иш олиб бораётган терговчини топиб ўзимни таништирдим. У ҳам таниш чиқди, мени синфдошимни укаси бўлиб чиқди.

- Сенга ажойиб бир таклиф билан келдим, Ҳалимбек, - дея унга кўз таги билан қарадим. Кўри-нишдан у бундай ишларни ҳадисини олган кўри-нади. Ишқилиб рози бўлсин-да, деб ўтирардим.

- Айтинг-чи, қанақа таклиф, ишқилиб унумли, бизга фойдаси тегадиган таклифми?

- Ҳа-да, - дедим, ундан ўзим кутган жавобни эшитгач. - Бир дўкинг билан йўқ жойдан 100 минг сўмлик бўлиб қоласан, қалай, бўладими?

- Бундоқ тушунтириб гапирсангизчи?!

- Яхши, унда эшит! Сен тергов олиб бораётган "иш"да гувоҳ сифатида рўйхатга олинган бир йи-гит бор, ўшани гумонланувчи шахс тариқасида вақ-тинча ҳибсга оласан! Хотини олдинга йиғлаб ке-лади, сен ундан 200 минг сўм сўрайсан. Агар қан-ча тез топиб келинса, шунча тез қўйиб юбораман дейсан. Улардан мен 200 минг сўм қарз олганман, шунда у йиғитнинг хотини мендан қарзини сўраб келади. Мен 200 тани бериб юбораман. У сен-га олиб келиб беради, олиб қоласан. Кейин арра қиламиз, қалай, бўладими?

Ҳалим ўйланиб қолди.
- Нимасини ўйлайсан, ёки қўрқаяпсанми?
- Ҳа, бу анча хатарли, қалтис иш, гувоҳни қамоққа олишга прокурор санкция берадимики?
Берди ҳам дейлик, кейин уни хотинига пул ҳақида гапирсам, прокурорга ёки бошқа би-рорта органга шикоят қилиб бормасми-кан, яна бўёги чаппасига айланиб кет-масин дейман.

- Йўқ, у аёл жуда содда, уни хаёли-га бундай ҳуқуқий талаб келмаслигига мен ка-фолат бераман. Сен қўрқмасдан "иш"ни бош-лайвер, ишимиз ўнгидан келади, мана кўра-сан, мен юз фоиз қафилман.

- Майли бир марта "риск" қилиб кўраимиз.
- Иложи бўлса тезроқ ҳаракат қил, ютқазмай-сан, Ҳалимбек.

Эртаси кун терговчи Юлдузни эри Қахрамон-ни ҳибсга олди. Юлдуз қанчалар йиғлаганини билмайман-у, мен эса хурсанд, ўзимда йўқ шод эдим. Ана энди Юлдузнинг ҳолини кўраман, унга пул керак, ёрдам беринг ажаҳон деб ўз оёқ-лари билан келади-да, бир имо билан қўйинимга ки-ради. Кўнмаса, бошқа иложи йўқ, дейман. Дангал айтман, кўнади, кўнмай қаёққа боради. Ва ниҳоят Юлдузнинг ширин висол онларига етишадиган дақиқалар яқинлашаётганини кўнглим сезарди. Ҳақиқатан ҳам қалбим алдамаган экан, икки кун-дан кейин не аламлир ютиб, изтиробу-ғам бир-ла кабинетим оstonасида Юлдуз турарди.

- Келинг Юлдузхон, қандай бўлиб бу но-мард акангизни йўқлаб келдингиз, қайси шамол учирди?

Мени қулиб туриб гапиришим қалбини оғрит-дими ёки ўзи кўнгли тўлиб турган эканми, Юл-дуз йиғлаб юборди.

- И-е-е, нега йиғлаясиз, тинчликми?

Юлдуз ҳеч бир таклифсиз, эътирозсиз қаршим-даги стуллардан бирига ўтираркан, сумчакасидан рўмолчасини олиб кўзларидан тиркираб оқиб ту-шаётган дурдек кўз ёшларини артаркан, менга бир қараб олди.

- Бизга ёрдамингиз керак Собир ака, Қахрамон акамни қамаб қўйишди.

- Қамаб қўйишди? - ҳайрон бўлгандек сўрадим.

- Нега қамашади, тинчликми?

- Ётоқхонамизнинг ҳовлисида бир одамни ким-дир ўлдириб кетган экан. Уша жиноятни у кишини бўйнига қўйишяпти, мен биланам Қахрамон акам-нинг қўлидан ундай қотиллик келмайди.

- Буни менга нега айтаясиз Юлдуз, бориб тер-говчиға айтмайсизми?! Ким қотиллигини мен эмас, у аниқлайди.

- Уни чиқаришда ёрдам беринг, Собир ака.

- Қанақа ёрдам? - сўрадим секин жиддий кўз билан тикиларканман.

- Сиз бориб бир оғиз айтсангиз, Қахрамон ака-

ни қўйиб юборишади, у кишини айбсизлигини ўша терговчиларни ўзи ҳам яхши билишади, илтимос, сиз ёрдам беринг, Қахрамон акам бундай тухмат, бедодликча чидай олмай ўзини бир нима қилиб қўяди, кейин мен нима қиламан.

- Юлдуз, йиғламанг, нега йиғлайсиз. Ўзингиз ўйлаб кўринг, уларга мен кимман, улар мени га-лимни эшитиб, "бор, тошингни тер, бизнинг ишимизга аралашма" деб сўйиб беришмайди? Эрингиз ҳақиқий йиғит бўлса, сизни деса ҳар қан-дай қийинчиликларга чидайдй. Айбсиз бўлса, қўйиб юборишар, агар қанаб юборишмасам...

Мени гапимни эшитиб турган Юлдуз баттар йиғлаб юборди. Унга қарарканман, ичимни ит тир-нарди, қачон пулни сўраркану, қачон мен унга ўз таклифимни айтман, деб интиқ кутардим. Юл-дуз йиғлаб-йиғлаб бироз ўзини босиб олгач, чар-соз кўзларидаги ёшни артиб, менга қаради.

- Бизга Оллоҳнинг яна бир синови бор экан, менга эримни чиқариб олиш учун 200 минг сўм керак. Агар шу пулни терговчиға берсам, у эрим-ни оқлаб, чиқариб юбораркан, акс ҳолда ўн йил-дан зиндага қамаларкан. "Балки, ўлимга ҳам маҳ-кум этишлари мумкин", деди. У кишини эмас, мени ўлдирсалар рози эдим, бу ёруғ оламда сев-гилиг учун жонингни ато этсанг роҳатланаркан-сан. Менимча, буни ҳақиқий муҳаббат десалар ке-



НОМАРДЛИК

ЁКИ ХУДО УРГАН ЙИГИТНИНГ ҚАСОФАТИ

рак. Агар бўлса, менга 200 минг сўм қарз берсан-гиз, Собир ака. Қахрамон акамни қамоқдан чиқар-иб олсам, кейин ишлаб қарзимизни узамиз.

- Мен бунча пулни қаердан оламан Юлдуз?

Юлдуз индамай қолди. Биламан, бир пайтлар мен қилган таклифни уялиб айтқолаётим.

- 200 минг сўм озгина пул эмас-ку, шундайми?
- Ҳа, шундай, лекин... бир неча ой олдин шунча пулга уй олиб бериб ёрдам бермоқчи эканлигин-гизни эслаб олдингизга келган эдим.

- Ҳа-а, унда сиз учун шу ёрдамни қилмоқчи эдим, сиз эса каминани номардга чиқариб кетган эдингиз, эсингиздами Юлдузхон?

- Эсимда, - деди-да бироз жим туриб бошини кўтаролмай гапини давом этди. - Собир ака, агар... мен ҳозир ўша пайтда қилган таклифингизга кўнсам, менга шу пулни берадими?

"Ва ниҳоят", - дея кўнглимдан ширин бир туйғу ўрмалади. Қодир Худойим мени азалий орзуимга етказди.

- Билмадим, ундан бери ана вақт ўтди. Тўғри, сизга бўлган муҳаббатим ҳали сўнгани йўқ.

- Унда нега иккиланаясиз, қани, ёрдам бераман деган эдингиз-ку, бизни ҳозир бошимизга оғир кун тушган. Энди ёрдам керак, Қахрамон акамни озод бўлиши учун, бу ёруғ дунёда тирик юришлари учун ҳеч нимадан қайтмайман. Хатто жирканч бўлса-да, шу "иш"дан ҳам.

Юлдузани синчковлик билан кўзатдим, у чин-дан ҳам тақдирга тан берган, руҳий эзилган ҳолат-да эди. Унинг нозик-нихол қадди-қомати, гўзал, латофатли хусни-жамоли мени яна-да баттар роқ ўзига торта бошлади. Унинг учун жонимни ҳам тикишга тайёр турардим.

- Майли, мен бугун пулни излаштираман, сиз эса, эртага тушиқдан кейин соат учларда "Поле чудес" ресторани олдидаги бекатга келиб туринг, ўзим бо-ри машина билан олиб кетаман, тўғри келади? Юлдуз ҳеч нима демай бошини қимирлатиб қўйди.

Эртаси кун Юлдузани ресторан олдида маши-нам билан бориб олиб кетдим. Зарафшонда ягона "Мираж" номли дала-ҳовлилар мажмуасига қай-тирдим. Машинани ҳовлига киргизиб, уни оқо-

ТУРМУШ САБОКЛАРИ

насидан бугунги базму-жамшид учун олинган егу-ликларни, ичимликларни олиб, менга маъюс текилиб турган Юлдузга узатдим.

- Ичкарига олиб киригиз, Юлдузхон!

Ичкарига киргач, нарсаларни стол устига қўйиб Юлдузни диванга ўтиришга таклиф қилдим-да, сеткани ичидан газетга ўроғлик 200 минг сўм пу-лни олиб Юлдузни ёнига ўтирдим.

- Мана бу ерда 200 минг сўм, агар ишонмасан-гиз санаб олинг, жоним, - деб пулни узатиб елка-сига қўлимни ташладим. Юлдуз ўрлиги-келиб-ми ёки аёллик нуомусини топтаётганим учунми, пулни гилам устига отиб, йиғлаб юборди.

- Йиғламанг Юлдузхон, нега йиғлаясиз, ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз, инсон чорасиз қолган-да шундай қийин вазиятдан ҳам ўттишга тўғри ке-лади. Буни Оллоҳ ҳам кечиради.

Билмадим, ўшанда балки чиндан ҳам яратган эгам унинг гуноҳидан ўтгандир, лекин, мени эса...

Юлдуз туни билан йиғлаб чиқди, бир дақиқа ҳам кўзларидан ёш аригани йўқ. Ишқий мастлигим уни фақат оғушимга олишга ундар, уни нима учун, қан-дай дард-алам билан йиғлаётганини билишга асло қизиқмасдим. Қизиқсам қизиқмасам у ўзини бева-фолик кўчасига кирганидан ўзини-ўзи лаънатлаб йиғлаётгани аён эди. Бу қизни садоқат, вафо, сев-ганини ишончини поймол қилиш, олий инсоний туйғулар каби тушунчаларни, ҳиссиётларни бун-чалар ҳам ўз қадридан, ифрату-номусидан устун қўйишни, уларни топталганидан куйиниб йиғла-шани кўриб ҳайрон қолгандим. Қойил, инсон шун-чалек ҳам ёрига садоқатли бўладими?

Юлдузни тонггача бағримдан бўшатмаган бўлсам-да, эрталаб уни ҳеч қўйиб юборгим йўқ эди. Инсон бир мақсадни қўзлаб орзу-ният қилса, хо-у манфур бўлсин, хоҳ ижобий бўлсин, албатта қўзла-ган орзусига етаркан. Мен Юлдузнинг ширин ви-солига етганимдан бошим осмонда эди. Ўзимни бир умр бахтли деб ҳисоблардим, Юлдузани эса кейинги тақдир, ҳаёти, бахти нима бўлиши бил-лан сариқ чакчалек ҳам ишим йўқ эди. Бундан-да номардлик, бундан-да разиллик бўлмаска керак. Аммо... ўшанда булар ҳақида ўйлаш қаёқда дейсиз.

Кўёш ўз юзини чарақлаб кўрсатаётганида Юл-дузани яна машина билан ресторан олдига таш-лаб кетдим-да, ишонмаганча бориб дарҳол тергов-чиға телефон қилдим. Кўп ўтмай терговчининг ово-зи эшитилди.

- Ҳа, қалайсиз Собир ака, - деди у саросимала-ниб, - нима бўлди, бугун охириги кун, агар "иши-миз" бугун ҳал бўлмаса Қахрамонни қўйиб юбора-миз. Бошқа иложимиз йўқ, комиссия келиб қолса бизни ўзимизни қамаб юборадй-я.

- Бўлди, ҳозир боради Юлдуз. Уни яхши-лаб меҳмон қилдим.
- Меҳмон қилдим? Ҳали у... ўшанақа аёлми?
- Йўқ, унақа эмас эди, мен учун, пул учун бўлди.

- Гап йўқ, табриклайман. Ҳақини бердингиз-ми?

- Пулни бердим, албатта, йиғит киши бит-та гапирарди.

- Ҳа, кўриниб турибди, унинг хусни-жа-молига тўйиб, ишқ шаробидан тўйиб-тўйиб ичибсиз.

- Э, ука, ишқ меҳридан, лаззатидан ким тўйиб-ди ҳали бу дунёда. Уша учун сенга яна бир масла-ҳат: пулни олганидан кейин Қахрамонни қўйиб юборатурсиз хотини Юлдузни мен билан бир кеча бўлганини ва шунча пулни мен берганимни, шу пул эвазига уни қўйиб юборатганингни ётиги билан тушунтириб айтасан. Фақат мени исмишни айтмагин! Қахрамон мен эканлигимни билмасин, бир дўстим деб айтсанг бас. Хотинини бегона эр-как билан бўлганини эшитса бўлди, шуни ўзи етар-ли. Кейин, у оромжон Юлдузхон бизники бўла-ди. Эрини Зарафшондан чиқариб юборамиз, Юл-дуз эса қолади. Нима дедингиз? Қалай, бўладими?

- Яхши режа, мен ҳаммасини секин эрига ши-пийман, сиз бўёғидан ташвиш тортманг, майли хайр, кейин ўзим телефон қиламан.

Телефон дастагини қўйиб, ўйланиб қолдим. Ҳозир терговчи Юлдуздан пулни олгач, эрига у пулни қаердан олганини айтди. Қахрамон мили-ция бўлимидан чиқиб, интизорлик билан кутиб тур-ган Юлдузга қандай муносабатда бўларкан? Қизиқ, жуда қизиқ, балки уни ўша ерни ўзида уч талоқ қўйиб, олдига солиб, ҳайдаб юборар. Мен бориб бу "томоша"ни албатта кўришим керак. Қани Қах-рамон нима қиларкан, эркаклигини кўраимиз.

Ирғиб ўрнимдан туриб, кабинетдан чиқиб, маши-намга ўтириб Ички ишлар бўлими биноси олдига бориб, даряхтлар тағидан уларни кута бошладим. Ярим соатлар ўтар-ўтмас бинодан Юлдуз шошилиб чиққанига кўзим тушди. У милиция бўлимини олди-даги тўққиз қаватли бинога кириб кетди. Ҳайрон бўлиб қолдим, Юлдузни бу уйда қани бор экан, нега эри билан чиқмади ёки бор машамша ичкарида бўлдимикан? Шу пайт бир нарс "тун" этиб ерга туш-ди-у, хаёлимни бузиб юборди. Не кўз билан кўрай-ки, сал нарида, кўп қаватли уйларнинг ҳовлисидаги бетон йўлакдада қонга беланиб Юлдуз ётарди. Ўзини тўққизинчи қаватнинг томидан ташлаган экан. Узоқ-да турган жойимда қотиб қолдим, томоғимга нима-дир тикилгандек, нафасим қимчай хириллаб қолдим.

Гўё, ҳозиргина жон таслим қилган Юлдузнинг руҳи келиб бўғаетгандек эди. Агар шу дамда бироз ҳола-тимни кўрганида ҳеч шубҳасиз мени Юлдузни ўли-мига ҳақиқий сабабчи деган бўларди.

(Давоми бор.)

Дилшод КҮЛДОШЕВ

Мактабда дўстларим билан гаплашиб кулишиб ўтирганимизда бўйи баста келишган, исми жисмига монанд Отабек исмли йигит ёнимизга келиб дўстларимдан бири билан саломлашди. Билсам Фарход билан Отабек бир-бирини танир экан, мен ҳам танишиб қолдим. У билан дўст бўлиб қолдик. Энди бизнинг гуруҳимиз кенгайди. 11 синфга ўтдик. Шунда синфимизга янги қиз келди, у ҳам бизни гуруҳга қўшилди. Гуруҳимизда 6 та қиз, 7 та ўғил бола бор эди. Ҳаммамиз бир-биримизга меҳрибон эдик. Лекин шу йигитларнинг 5 таси Мадинага ошиқ, 1 таси менга, 1 таси Динарага ошиқ эди. Мен Отабек билан суҳбатлашишни жуда яхши кўрардим. Ўшанда мен 16, Отабек эса 18 яшар эди. Биздан бахтли одам йўқ эди дунёда. Биз ўзимизда ҳеч кимда бўлмаган муҳаббатни ҳис қилардик. Отабек институтга ўқишга кирган эди. Унга маърузаларини ёзиб берардим. Киноларга тушардик, музқаймоқ ер эдик. Лекин мен уни бир қиздан рашк қилганимда уришиб қолдик, ёнимга келса хайдардим, телефон қилса гаплашмасдим. Ярашайлик деб ялиниб хат ёзса ҳам мен "менга деса ўлмайсанми" деб жавоб бериб юбордим. Ҳаммасини Фарход тушунириб берди, воқеа мен ўйлаганчалик бўлмаган экан. Менинг гапим қаттиқ ботганими Отабек ўқишга ҳам бормай қўйибди, телефон қилишга қизлик гурурим йўл қўймас эди. Фарходга у билан ярашмоқчи эканимни айтдим. Шу куни 23 май эди. 24 майда биз учрашдик, бечора Отабек мендан кечирим сўради, "Шахноз мендан розимисан", деди. Мен ҳам ҳа, лекин унақалардан узоқроқ юргин дедим. 25 май охиригича кунчи қуни мазага қилиб айландик. Отабек телефон қилибди йўқлигимда. Кечкурун чарчаб уйга келдим-да ётиб ухладим. Эртаси кунни уйғониб

уёқ-бу ёқни йиғштирдим, негадир кўнглим гаш эди, ўртоқларимга телефон қилиб ҳамма нарса жойида деб сўрадим, ихобий жавоб олгач, ахлат тўккани чикдим, орқамга қайтиб келаётганимда Отабекни кўрдим, юрагим нимагадир тилпирчиларди. Лекин Отабек сезмасин деб индамадим. Тезроқ хайрлашим келарди-ю бахона топа олмасдим, охири "Отабек кетақол, гаплашишга хушим йўқ", - деб уйим томон кета бошладим. Отабек ма-

Кўз ёшларимни тўхтата олмасдим. Фақат "бу ёлгон, ёлгон", дея олардим холос. Эртасига уни кўмишди, одамлар тарқалгандан сўнг қабр бошига бориб йиғлавериб ўзимдан кетиб қолибман. Бир пайт ўзимга келиб Динараларниқига бордим. Мадинаям келди. Кўнгли бўш бўлгани учун мени овутарди-ю, ўзи ҳам хўнг-хўнг йиғларди. Болалар зўрға овутишди. Дўстларим менга дардни сал бўлсада енгилга ёрдам беришди, айниқса Мадина билан Музаффар...

Мен қизларга шуни маслаҳат қилмоқчиман, севганингизни қараманг. Агар уни севсангиз рози бўлинг, ким билан бирга бўлса ҳам, бахтли бўлсин. Бўлмасам ўзингиз афсус қилиб қоласиз. Мана Отабекнинг йўқлигига бир йил бўляпти, лекин ҳали ҳануз ишонмайман. Қабр бошида ўтирар эканман ундан кечирим сўрайман.

Кечир мени, Отабек, мени деб бу дунёдан эрта кўз юмдинг.

Орқандан бораё десам, мени 18 йил ёлғиз боққан онамга ачинаман. Кечир мени Отабек, кечир...

Кизларжон, менинг ҳаётим ўрناق бўлсин сизларга, пок муҳаббатингиз соҳибини қараманг. Севганингизни бахтини кўриб қувонинг, тириклигига қувонинг. Мадина дугонаси, мана Музаффар сени жуда бошқача севди. Унинг кўнглини оғритма, бўлмаса менга ўхшаб афсус қилиб қолсан.

Менинг ҳаётим ҳам шамдек эриб борапти. Маслаҳат беринг, нима қилай? Нима қилсам Отабек мени кечиради. Эй, Оллоҳ, Отабекни қайтариб бер, нима қилсам у яна бу дунёда яшайди. Энди менинг ҳаётим фақат уни ёди билан боғлиқ. Мен ҳеч кимни севмайман, юрагим сел бўлиб оқиб тамом бўлмоқда, маслаҳат беринг, гуноҳимни қай йўл билан ювай?!

ШАХНОЗА, 18 ёш

Тошкент шаҳри



СЕВГАННИНГ ҚИЗНИ ҚАРМАМАНГ

тоциклига ўтириб йўлга қараш ўрнига менга қараб турганда даҳшатли воқеа юз берди. Каттакон машина тагида менинг Отабегим ётарди. Кўзим олдида бўлди бу иш. Бир муддат тош бўлиб қотиб қолибман, ўзимга келиб у томон югуриб бордим, атроф тўла қон эди. Милиция, тез ёрдам етиб келди. Уни касалхонага олиб кетишди. Шу орада дўстларим етиб келишди, кўнглимни кўтариб ҳеч нарса қилмайдди деб айтишди.

Афсус, Отабек шу пайтдаёқ бу дунёни, мени тарк этибди. Шу куни додлаб, хўнграб йиғлаб чикдим.

СИЗ КЕТДИНГИЗ ЎЗГАНИ ИЗЛАБ...

Айтишларича, ҳар бир инсоннинг ўз умид юлдузи бўлармиш. Ва шу юлдуз умрининг сўнгги кунларигача унинг йўлдоши бўлармиш.

Эсингиздами, бизнинг илк учрашувимиз? Мана, шунга ҳам яқинда бир йил бўлади. Бу бир йил ичида қанча воқеалар юз бермади...

Сиз билан биринчи учрашган кунни юрагимни аллақандай бир туйғу қамраб олди. Мен сизнинг кўзларингизга боқиб тўя олмасдим. Сизнинг ҳар бир сўзингизни жон қулоғим билан тинглардим. Бу сўзларни тинглаш мен учун катта бахт эди. Суҳбатлашган сайин сизга меҳрим орта борди. Суҳбат чоғида сиз ҳам менга меҳр билан боқдингиз. Мен эса ўша лаҳзадаги бахтимдан ошфта эдим, ўзимни қўярга жой топа олмасдим... Шундан кейин сиз билан тез-тез учрашиб турдик. Сизга шу қадар ўрганиб қолганимки, бир кун сизни кўрмасам туролмасдим... Билсам, мен сизни қаттиқ севиб қолган эканман. Аммо, бу бахтли кунлар унчалик узоққа чўзилмади... Ўша, ўша кунни эсласам ҳалигача қўлобим титраб, қалбимда муҳаббат ўрнини алам эгаллайди... Мен соддадиллик билан ўз бахтимдан сармат бўлиб юраверибману, аммо сизнинг қалбингизга кириб келган ўзга бир инсонни пайкамай қолибман... Менга бир пайтлар севги бобидан соатлаб ваъдалар берган, неларнидир ҳада қилган кўнглимга

яна бошқа бировнинг меҳмон бўлишини туш кўрибманми?... Сизни беғона қиз билан кўрганымдан кейин қанчалик даҳшатга тушганимни билсангиз эди... Ўша лаҳзада ўзимни ўлдиришга ҳам тайёр эдим. Аммо, ҳаммасини билишни истардим. Бу хоҳиш шунчалик кучли эдики, қандай қилиб "у"нинг олдига борганимни билмайман... Ўша кундан бошлаб менинг қора кўнларим бошланди. Сиз мени эмас, ўзга инсонни севар экансиз. Мен бўлсам нақадар адашганимни, алданганимни, сизнинг хиёнаткор эканлигингизни билдим. Энди кеч бўлганди. Хиёнат шундай ёмонки, у ҳар қандай кўнглини чил-чил қилади, эндигина ҳаётга юз очаётган гунчани сўлдириб, кунпаякун қилади. Умидларни пучга чиқаради. Йўқ, йўқ, мен сизни айбалай олмайман. Ахир, сиз ҳам кўнглингизга қараб иш тутгандирсиз? Аммо, мен сизни севиб қолган эканман. Мен севиб хато қилганимни кеч англадим, аммо кўнглим ҳали-ҳамон менга қулоқ солмайди. Сизни унуттишга ҳаракат қилдим, аммо унуттишнинг иложи бўлмади. Ҳамон сизни кутаман. Қалбим ҳалигача ўша ширин кунлар хотираси билан яшайди, йўлингизга кўз тикади...

Сиз кетдингиз, қолдим бир ўзим, Бир бор келмадингиз хол сўраб. Ортингиздан боқди қора кўзим, Сиз кетдингиз ўзгани излаб...

МАДИНА

Тошкент шаҳри

МЕН НИМА ҚИЛАЙ?

Бу воқеа 1992 йилда бошланганди. Армия сафидан келиб Наманган шаҳрига қишлоқдан кўчиб келдим ва ишга жойлашдим. Кўп ўтмай уйимиздан нарироқ уйда яшайдиган бир қизга кўнгли қўйдим. Ҳар кун ишдан қайтаётиб уни уйи олдида кўрардим-у лекин бирор оғиз гапиргани тилим бормас эди. Баъзан уйимиз олдида қўришиб қолса кўзимиз билан гаплашгандай бўлардик. Мен уни шунчалик қаттиқ севиб қолганимни ўзим ҳам сезмас эдим. Лекин кечалари бу ҳис туйғу менга уйку бермас эди. Шундоқ қилиб биз 3-4 мартаба шу тарзда учрашдик. Бирок ҳар учратганимда уни нимадир қийнар, юзлари гамгин, ниманидир аширар эди. Нима бўлди мен Тошкентга икки ойга хизмат сафарига кетдим, қайтиб келган М.ни бошқа учратмадим. Кўни-кўшиллардан суриштирсам, аини мен учратган пайтимда онаси ноҳақ қамалган, акаси эса авария оқибатида ҳалок бўлган экан. Шунинг учун уни юзларини гам босган экан. Ушбу воқеадан кейин М. ҳаётдан қийналиб қўшни республикага бувиси олдига укаси билан кетибди. Орадан анча вақт ўтди, мен уни унутолмас эдим. Ҳар кунни уйи олдида ўтганда бироз тўхтаб уни эслардим. Лекин М.дан дарак бўлмас эди. Бир кунни мени уйлашмоқчи бўлишди, мен эса рад этишди ва ниҳоят қанча тўсқинлик қилишимга қарамай мени уйлашди. Ҳозир икки нафар ширин фарзандим бор, турмуш ўртоғимни ҳам ҳурмат қиламан, Лекин М. мени ҳаёлимдан чиқмайди. Орадан беш йил ўтди, биз оиламиз билан бошқа ноҳияга кўчиб ўтдик.

Бир кун дўстларим мени тўйга таклиф этишди, рози бўлиб бордим, тўйга кириб келишни ёнида ўтирган дугонаси-

га кўзим тушди ва юрагим ёрилиб кетгудек бўлди, чунки у ўша мен севган қиз М. эди. Нақадар гўзал, янада чиройли бўлиб кетибди. Биз яна бир-биримизга узоқ тикилар эдик. Бизнинг кўзларимизда соғинч туйғуси сезилиб турарди. Тўй тугагач мен М. ни уйига кузатиб қўйдим. Уйга кета туриб ундан бўлган воқеани билиб олдим. Ўша пайтда айнан ёрдамга муҳтож бўлган экан. Онаси қамоқдан оқланиб чиқиб М.ни яъни қизини олиб Наманганга қайтиб келишибди. Ўша кунни уйга етиб келгандан сўнг М. мени уйга таклиф қилди ва онаси ҳамда укаси билан таништирди.

Қўнгда М.ни онаси юрак хасталиғи билан касалхонага тушиб қолди. Мен қўлимдан келган барча ёрдамимни аямдим. Шунда М. мени янада кўпроқ ҳурмат қила бошлади. Биз ҳар кунни қиришмасак туролмаймиз. Мен уни жуда севаман ва ҳаммадан рашк қиламан, усиз яшай олмаслигимни тушуниб етаялман. Мендаги севги оддий севги эмас шекилли. Лекин мени оилам, бола-чақамчи, ахир уларни ҳам севаман, йўқотиб қўйгим келмайди. Шундай қилиб, икки ўт орасида қолиб кул бўлаялман. Менга қандай маслаҳат берасизлар, мен нима қилишим керак.

Б.С.

НАМАНГАН

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси қўмитанинг раёсат аъзоси Дилором Алимовага волида муҳтарамаси

РАҲБАРХОН аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Оила ва жамият

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар:
Бош муҳаррир — 133-28-20
Котибият — 34-86-91

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темура кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.35
Босишга топширилди - 21.15

ХОМИИ
«Матбуот тарқатувчи»
акциядорлик жамияти

ОБУНА ИНДЕКСИ - { яқка обуначилар учун 176
ташкilotлар учун 177

Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0558
37 639 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма тобоқ,
Баҳоси эркин нарҳда.
Рассом — Н. ХОЛМУРОВОВ.
Навбатчи — М. СОДИҚОВ.